


ЧИРОЙЛИ ХУЛҚ



“Эй Муҳаммад,) марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгиринг” (Азроф, 199).

П а й ғ а м б а р и м и з (алайҳиссалом) айтганлар:

“Чиройли хулқ — сиздан борди-келдини узиб қўйган кишига силаи раҳм қилишингиз, сизни маҳрум этганга беришингиз, зулм қилганни кечирингиздир”.

Бир киши Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Менга насиҳат қилинг”, деди. “Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳдан қўрқ”, дедилар. “Яна кўпайтиринг”, деди. “Ёмонлик орқасидан яхшилик қил, у ёмонликни ўчиради”, дедилар. “Яна кўпайтиринг”, деди. “Инсонларга чиройли хулқ билан муомалада бўл”, дедилар.

Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом): “Амалларнинг қай бири афзалроқ?” деб сўралди. У зот: “Чиройли хулқ”, дедилар.

Яна айтдилар: “Аллоҳ таоло бир банданинг яратилишини ва хулқини чиройли қилиб, уни дўзахга емиш қилиб бермайди”.

Жарир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта, Аллоҳ таоло яратилишингизни чиройли қилиб қўйган кишиларсиз, энди хулқингизни ҳам чиройли қилинг”, дедилар.

Абдуллоҳ ибн Умар айтдилар: «Расулulloҳ: “Эй Аллоҳим, Сендан саломатлик, офият ва чиройли хулқни сўрайман”, деб кўп дуо қилар эдилар».

Абу Ҳурайра Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) ривоят қиладилар: “Мўминнинг улуглиги унинг динидир, обрўйи чиройли хулқидир, шаън-шавкати ақлидир”.

Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна айтганлар: “Қиёмат кунда менга энг суюкли ва макони яқинларингиз хулқи чиройлироғингиздир”.

Луқмони Ҳакимнинг ўғли отасига: “Эй ота, инсон учун қайси хислат яхшироқ?”

деди. Отаси: “Дин”, деб жавоб берди. “Агар хислат иккита бўлса-чи?” деди ўғли. Отаси: “Дин ва мол”, деди. “Агар учта бўлса-чи?” деб сўради. Отаси: “Дин, мол ва ҳаё”, деди. Ўғил: “Агар тўртта бўлса-чи?” деди. Отаси: “Дин, мол, ҳаё ва чиройли хулқ” деди. “Агар бешта бўлса-чи?” деди. Отаси: “Дин, мол, ҳаё, чиройли хулқ ва сахийлик”, деб жавоб берди. Ўғли яна: “Олтита бўлса-чи?” деб ҳам сўраган эди, Луқмони Ҳаким: “Эй ўғилчам, агар инсонда мана шу беш хислат жамланса, у покиза, тақводор, Аллоҳга дўст ва шайтондан узоқ бўлади”, деди.

Ҳасан Басрий: “Кимнинг хулқи ёмон бўлса, ўз нафсини азоблайди”, дедилар.

Анас ибн Молик айтадилар: “Албатта, банда чиройли хулқи билан жаннатда олий мақомга етади, гарчи (нафл) ибодатни кўп қилмаса ҳам. Ёмон хулқи билан жаҳаннамнинг энг тубига етиб қолади, гарчи (нафл) ибодатни кўп қилса ҳам”.

Ваҳб ибн Мунаббаҳ бундай деганлар: “Ёмон хулқнинг мисоли синган сопол идишга ўхшайди: уни ямаб ҳам, лойга қайтариб ҳам бўлмайди”.

Фузайл айтганлар: “Чиройли хулқли фожир кишининг менга ҳамсуҳбат бўлиши ёмон хулқли обид киши суҳбатидан яхшироқдир”.



САОДАТ ВА ТЎКИНЛИК ОМИЛИ

Шахс саодати ва жамият осудалигига боис омиллар ичида тотувлик ва иноқлик муҳим ўринга эга. Иноқ оила аъзолари бахтиёр, тотув жамият осуда ва тўкин бўлади.

Динимиз тотувлик ва иноқликка раҳна солувчи гийбат, ҳасад, кибр, хиёнат каби иллатларни ҳаром қилган. Тотувлик ва иноқликка боис ҳамма хислатларни тарғиб этган, уларни ибодат ҳисоблаган.

Меҳр-шафқат, самимий муносабатлар тотувлик ва иноқликка етказувчи хислатлардир. Барчага меҳр-шафқат кўрсатиш, самимий муносабатда бўлиш суннатдир.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деб марҳамат қилганлар: "Менга фарзларни адо этиш буюрилгани каби, инсонларга хушмуомалада бўлиш ҳам буюрилди"; "Инсонларга хушмуомалада бўлиш садақадир"; "Тил садақасидан (шин сўздан) ортиқроқ садақа йўқ".

Сўфи Аллоҳёр (раҳматуллоҳи алайҳ) ёздилар:

*Кел, эй обид, ўзингни айлагил хок,
Ҳарому шубҳадин хулқингни қил пок.
Очиққўллик, кушода юзли бўлғил,
Мурувватлик, мулойим сўзли бўлғил.*

Яхши муомала ва самимий муносабат қалбларга севинч бағишлайди. Севгига тўла қалблар фақат яхшилик истайди. Ҳамсуҳбатингиз қалбига севинч тақдим этишингиз гуноҳларингиз кечирилишига сабаб бўлади. Бу Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) башоратларидир.

Буни асло унутманг!

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ

Абдулазиз МАНСУР

Неъматилла ИБРОҲИМОВ

Аҳад ҲАСАНОВ

Зоҳиджон ИСЛОМОВ

Зоҳидилло МУНАВВАРОВ

Баҳодир КАРИМОВ

Абдураззоқ ЮНУС

Анвар ТУРСУН

Дурбек ОБИДЖОН

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Юсуфжон ИСҲОҚ

Эркин МАЛИК

Абдул Жалил ХЎЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН

Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқова

«Voris Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матни

Райҳона ХОЛБЕК қизи

терди

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Андижон вилояти — 8.3742.24-34-04

Раҳбари Ўктам ҳожи Умрзоқ

Фарғона вилояти — 8.37357.2-12-38

Раҳбари Салоҳиддин Нуриддин

Сурхондарё вилояти — 8.37622.6-05-08

Раҳбари Низомиддин Чори

Манзилимиз:

700021, Тошкент шаҳри

Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;

Тел: 49-18-26, 144-36-53.

Интернет сайтими: www.hidoyat.uz

Интернет почтами: admin@hidoyat.uz

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
рўйхатга олинган.

Гувоҳнома рақами 170.

Босишга 2006 йил 20 мартда рухсат берилди.

Босмаҳонага 2006 йил 30 мартда топширилди.

Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адали 15000 нусха. 48-

сон буюртма. «КО`НИ NUR» МЧЖда босилди.

Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ
ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Насиҳат	
Чиройли хулқ	1
Таянч нуқта	
Саодат ва тўкинлик омили	2
Тафсир	
Ваҳба Мустафо ЗУҲАЙЛИЙ	
Қоръа сураси	4
Тарих	
Нозима ИБРОҲИМОВА	
Расулulloҳ даврларида	
ташқи муносабатлар	8
Дарсхона	
Тажвид	9
Рангин туйғулар	
Ноила ХОЛМУҲАММАД	
Она меҳри	10
Бугуннинг гапи	
Абдулла ИСМОИЛОВ	
Шууримиз мусаффо бўлсин	11
Мужда	
Ер юзи аҳолиси 6,5 миллиарддан ошди	11
Амри маъруф	
Омонатга риоя, яхши кўшничлик	14
Мулоҳаза	
Мухлиса ТОШПЎЛАТОВА	
Ношукр бўлмайлик	15
Қуръон ва биз	
Озод ОХУНОВ	
Қуръони каримнинг Қозон босмаси	18
Шеърят	
Абдулла ҳожи АБДУЛҚОДИР	
Тушларимда уни тинглайман	20
Султон ЭРГАШ	
Ўлимни эсламоқ банданинг бурчи	21
Муносабат	
Муҳсин ВАЛИХОНОВ	
Ирси чатиштирилган	
маҳсулотлар зарарлими?	22
Тадқиқот	
Ғарб ва Ислom муносабатлари	25
Адабий таҳлил	
Дилбар ҚАМБАРОВА	
Назм асли насихатдир	26
Юрган дарё	
Баҳодир НУРМУҲАММАД	
Уйимизни биров келиб обод қилмайди	28

Сийрат

Аҳмад МУҲАММАД

СИЗНИ ҲАММАДАН
ОРТИҚ СЕВАМИЗ

6

Баро ибн Озибдан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: “Расулulloҳ одамларнинг энг юзи чиройлиси ва хулқи энг гўзали эдилар”.

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Оврупа муслималари ташкилоти

12

Белгия пойтахти Брюсселда муслималарнинг Оврупа кенгаши очилди. Кенгашда муслималарнинг умумоврупа ташкилоти тузилгани эълон қилинди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ

16 ҚЎЙЛИҚ ОТАНИНГ
РУҲИНИ
ШОД ЭТИБ

Муносабат

ИРСИ

ЧАТИШТИРИЛГАН
МАҲСУЛОТЛАР ҲАҚИДА
ДУНЁДА НИМА ГАП?

23

Ҳадис ва фан


Дмитрий ПОЛЯКОВ

30

ҚУЁШНИНГ
МАҒРИБДАН
ЧИҚИШИ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан.

1. (Даҳшатлари билан кишилар қалбини) қаттиқ қоқувчи (Қиёмат)! 2. У қаттиқ қоқувчи недур?! 3. (Эй инсон,) қаттиқ қоқувчи (Қиёмат) нима эканини сен қаердан билар эдинг?! 4. У Кунда одамлар тўзғитиб юборилган парвоналар каби бўлиб қолурлар! (Яъни, қабрларидан чиқишиб, Қиёмат даҳшатидан ўзларини ҳар ёнга уриб-тўзиб кетадилар). 5. Тоғлар эса титилган жун каби (осмонда учиб юрадиган) бўлиб қолур! 6-7. Бас, энди (у Кунда) кимнинг тортилган (яхши амаллари) оғир келса, ана ўша (киши ҳар бир инсон) рози бўладиган — орзу қиладиган ҳаётда бўлур. 8-9. Энди кимнинг тортилган (яхши амаллари) енгил келса, унинг жойи "жарлик"дир! 10. Унинг нима эканини қаердан ҳам билар эдинг?! 11. (У) қизиган дўзахдир!



Ваҳба Мустафо ЗУҲАЙЛИЙ

ҚОРИЪА СУРАСИ

«Мунир» тафсиридан

Сура "ал-Қориъа" калимаси билан бошлангани учун шундай аталган. "Ал-Қориъа", "ал-Ҳааққа", "ат-Томмаҳ", "ас-Соҳхаҳ", "ал-Ғошия" Қиёмат куни номларидир. Қўрқинчлари қалбларга даҳшат солгани учун Қиёмат мана шундай номлар билан аталган..

Сура қамраб олган нарсалар

Маккада нозил бўлган бу сура Қиёмат даҳшатларининг баёни билан бошланиб, у куни одамлар қабрларидан парвоналар каби тўзғишларини таъкидлайди.

Бу сурада одамларнинг қалбига ваҳима солиб, қаттиқ таъсир қиладиган Қиёматнинг баъзи аломатлари, жумладан, тоғлар вайрон бўлиб, титилган жун каби учиб юришлари зикр этилган. Сура охирида у кун одамларнинг амаллари ўлчаниши, яхшилик-савоблари оғир бўлганлар жаннатга, ёмонлик-гуноҳлари оғир бўлганлар дўзахга тушишлари муқаррар экани айтилган.

Тафсири ва баёни

"(Ўз даҳшатлари билан кишилар қалбини) қаттиқ қоқувчи (қиёмат)! У қаттиқ қоқувчи недур? (Эй инсон,) қаттиқ қоқувчи (қиёмат) нима эканини сен қаердан билар эдинг?!"

"Ал-қориъа" қиёмат исмларидан биридир. Чун-

ки Қиёмат қалбларни даҳшат билан қоқувчидир. У қандай нарса? Сен қориъа (Қиёмат) нима эканини қаердан билардинг? Билмайсан!

Иккинчи оятда Қиёмат шаъни улуғланади. Учинчи оятда унинг шиддати ва қўрқинчи таъкидланади. Кейинги оятларда улар тафсир қилиниб, Қиёмат бўладиган замон ва аломатлар зикр келган.

"У кунда одамлар тўзғитиб юборилган парвоналар каби бўлиб қолурлар".

Яъни, одамлар қабрларидан чиқишганида, йўлни топа олмасдан ҳар томонга югура бошлашади. Ўша куни уларнинг ҳолатлари худди тўзғиб кетган парвоналарга ёки пашша ва чигиртка сингари учувчи ҳашаротларга ўхшайди. Улар саросимага тушганларидан ҳар томонга тарқалиб-тўзғиб, югуриб-елишади. Бу ҳол тўзғиб-тарқалиб кетган парвоналарга ўхшайди. Бу манзара Қамар сурасининг 7-оятда ҳам келган: "(Кофирлар) гўё ёйилган чигирткалар каби қабрларидан чиқиб келурлар".

Замахшарий дейди: "Улар кўпликда, парокандаликда, заифликда, хорликда, ҳар томонга елиб-югуришда ўзини оловга урувчи парвоналарга ўхшатишган".

"Тоғлар эса титилган жун каби (осмонда учиб юрадиган) бўлиб қолур".

Яъни, тоғлар тароқ билан титиб юборилган, сочилиб, тўзғиб юрувчи ҳар турли рангдаги жун каби бўлади. Бу ҳақда яна **"Тоғлар ҳам (ўз жойларидан жилдирилиб) сайр қилдирилганида"** (*Тақвир*, 3) ва: **"У кунда Ер ва тоғлар титроққа тушар ва у тоғлар тўкилиб турувчи қумтепаларга айланиб қолур"** (*Муззаммил*, 14) мазмунли оятлар келган.

Қиёматнинг бу икки аломатини зикр қилишда одамларни қаттиқ огоҳлантириш, қўрқитиш бор.

Сўнгра амалларнинг мукофоти ва одамларнинг икки гуруҳга бўлиниши қисқача баён қилинган: **"Бас, энди у Кунда кимнинг тортилган** (яхши амаллари) **оғир келса, ана ўша** (киши ҳар бир инсон) **рози бўладиган – орзу қиладиган ҳаётда бўлур"**. Яъни, кимнинг ёмон амалларидан солиҳ амаллари ва яхшиликлари оғир келса, у жаннатда — барча инсонлар рози бўладиган ҳаётда бўлади.

"Энди кимнинг тортилган (яхши амаллари) **енгил келса, унинг жойи жарликдир. Унинг нима эканини қаердан ҳам билар эдинг?! (У) қизиган дўзахдир"**.

Яъни, кимнинг ёмонлиги яхшиликларидан кўп бўлса ё эътиборга олинмаган яхшиликлари бўлмаса, унинг ўрни жаҳаннамдир. Жаҳаннам унинг "онаси" деб номланишига сабаб, худди ёш бола онасига талпингани каби у ҳам жаҳаннамга талпинади.

Жаҳаннам "ҳавия", яъни, "қаърсиз" деб номланди, чунки гуноҳи кўплар унинг тубига, қаърига тушадилар.

Биз, Куръонда келганидек, тарозининг борлигига иймон келтирамиз, лекин унинг кайфияти, вазни ва ўлчовини билмаймиз.

"Бу оловнинг нима эканини қаердан ҳам билар эдинг?!" деб сўралишидан мурод, у оловдан қўрқитиш ва у олов биз билган олов эмаслигини, унинг ҳақиқатини билиб бўлмаглигини таъкидлашдир.

Имом Молик, Имом Бухорий ва Имом Муслим Абу Ҳурайрадан (розийаллоху анху) ривоят қилишган: "Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): "Одам болалари (ишлатадиган) олов жаҳаннам оловининг етмишдан бир бўлагидир", дедилар. Саҳобалар: "Эй Аллоҳнинг расули, бу олов кифоя бўлса ҳамми?!" дейишганида, Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): "Бу оловдан жаҳаннам олови олтмиш тўққиз бўлак ортиқдир", дедилар.

Имом Аҳмад Абу Ҳурайрадан (розийаллоху анху) қилган ривоятда эса, Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): "Бу (сизлар ишлатаётган) олов жаҳаннамдаги оловнинг юздан бир бўлагидир", деганлар.

Имом Аҳмад Абу Ҳурайрадан (розийаллоху анху) келтирган бошқа бир ривоятда, Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): "Дўзах аҳлига энг

енгил азоб икки (оловли) ковуш кийиш бўлади. Унинг (иссиғи)дан мияси қайнайди", дейдилар.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятларида: "Агар иссиқ қаттиқ бўлса, намозни салқин тушгунигача кечиктиринг. Чунки кучли ҳарорат жаҳаннам ўтидандир", дейилган.

Сурадан ўрганганларимиз

1. Қиёмат шиддатли, қўрқинчли, қалбларни ларзага солади, қулоқни қоматга келтиради. Ҳеч ким унинг моҳиятини билмайди. Чунки у шундай шиддатлики, бирор ақл уни тасаввур ҳам қилолмайди. У тасаввуримиздан буюқдир. Дунё даҳшати охират олдида даҳшат эмасдир. Дунё олови охират олови олдида олов эмасдир. Бу мисли йўқ қаттиқ қўрқитиш ва огоҳлантиришдир. Муқотил дейдилар: "У Аллоҳнинг душманларини азоб билан даҳшатга солади. Аллоҳнинг дўстлари қўрқинчдан омондалар".

2. Аллоҳ таоло Қиёмат кунини икки ҳол билан сифатлаган: Биринчиси, одамларнинг тарқалиб-тўзғиб кетган парвоналарга ўхшаб қолишлари. Иккинчиси, тоғларнинг ранг-баранг, титилган жунлар каби бўлиши.

Аллоҳ таоло тоғлар ҳолатининг тўрт хил кўринишини баён этган: 1. Ал-Ҳааққа сурасининг 14-оятида: **"Еру тоғлар (ўз жойларидан) кўтарилиб, (бир-бирларига) бир бор урилиб** (чилпарчин бўлганида)". 2. Намл сурасининг 88-оятида: **"Сизлар тоғларни кўриб, тек қотиб турибди, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам худди булутлар юргандек юрарлар"**. 3. **"Титилган жун каби зарра бўлақлар бўлади"**. 4. Наба сурасининг 20-оятида: **"Тоғлар ҳам (жойларидан) жилдирилиб, (осмонда учиб юрган) саробга айланиб қолур"**.

3. Қиёмат куни инсонлар амалларининг вазни оғир ёки енгил бўлиши жиҳатидан икки қисмга бўлинади: кимнинг яхшилиги ёмонлигидан оғир келса, жаннатда, рози бўладиган ҳаётга етишадди; кимнинг ёмонлиги яхшилигидан оғир келса, унинг жойи ҳарорати қаттиқ жаҳаннам бўлади.

"Қизиган дўзах" дейилиши бошқа оловларнинг охират оловидан паст ҳароратда эканига ишорадир. Бу таъриф дўзах алангасининг мислсиз қақшатқич ва зўр эканидан огоҳ этишга кифоядир.

Абу Бакр (розийаллоху анху): "Кишилар солиҳ амалларининг вазни оғир бўлиши боиси дунёда ҳаққа эргашганлари туфайли ва ҳақ уларга оғир бўлганидандир. Тарозига ҳақ қўйилганида оғир чиқиши ҳақиқатдир. Унга ботил қўйилганида енгил чиқиши муқаррардир", деб айтдилар.

Муқотил дейдилар: "Чунки ҳақ оғирдир, ботил енгилдир".

Анвар АХМАД
таржимаси

“Эй инсонлар, шунингдек, сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларга Бизнинг оятларимизни тиловат қиладиган, сизларни поклайдиган, сизларга Китоб ва ҳикматни (Қуръон ва ҳадисни) ўргатадиган ва билмаган нарсаларингизни таълим берадиган бир Пайғамбар юбордик” (Бақара, 151); “Ким Пайғамбарга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди. Ким юз ўгирса, (бунинг сизга зарари йўқ, эй Муҳаммад. Зеро,) Биз сизни уларнинг устига кўриқчи қилиб юборганимиз йўқ” (Нусо, 80); “Албатта Аллоҳга ва унинг Пайғамбарига озор берадиган кимсаларни Аллоҳ дунёда ҳам, охирада ҳам лаънатлагандир ва улар учун хор қилувчи азобни тайёрлаб кўйгандир” (Аҳзоб, 57); “(Эй инсонлар, Биз бу Пайғамбарни) сизлар Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига имон келтиришларингиз учун ва у зотни улуғлаб, эҳтиром қилишларингиз ҳамда эртаю кеч Уни поклаб-тасбеҳ айтишларингиз учун (юбордик)” (Фатҳ, 9).


Зухра ибн Маъбуднинг боболари бундай деганлар: «Расулуллоҳ билан бирга эдик. У зот Умар ибн Хаттобнинг қўлларидан тутиб турардилар. Умар: “Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга қасамки, сиз мен учун ўзимдан бошқа ҳаммадан кўра сеvimлисиз”, деди. Расулуллоҳ: “Сизлардан бирортангизга ўзидан ҳам сеvimли бўлмагунимча мўмин бўла олмайди”, дедилар. Ҳазрати Умар: “Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга қасамки, энди сиз менга ўзимдан ҳам сеvimлисиз”, деди. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ана энди тўғри бўлди, эй Умар”, дедилар» (Имом Аҳмад ривояти).

Анас ибн Моликдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Банда наздида мен унинг аҳлидан, молидан, одамларнинг барчасидан афзал бўлмагунимча у мўмин бўла олмайди”,

дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Набий (алайҳиссалом): “Аллоҳга қасамки, сизлардан бирортангиз мен унга ота-онасидан, боласидан ва ҳамма одамлардан сеvimли бўлмагунимча комил мўмин бўла олмайди”, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Абу Бакр Сиддиқ (розийаллоҳу анҳу): “Аҳли байт



СИЗНИ ҲАММАДАН

хусусида Расулуллоҳни хурмат қилинганлар”, деб айтганлар (Имом Бухорий ривояти).

Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Расулуллоҳ одамларнинг энг гўзали, одамларнинг энг сахийи, одамларнинг энг шижоатлиси эдилар” (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Баро ибн Озидан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Расулуллоҳ одамларнинг энг юзи чиройлиси ва хулқи энг гўзали эдилар” (Имом Бухорий ривояти).


“Ақоиди Таҳовийа”да бундай келади: “Муҳаммад (алайҳиссалом) Аллоҳнинг танлаган кули ва сўнгги пайғамбаридир. У зотдан кейин қилинган ҳар қандай пайғамбарлик даъвоси ёлғондир. У зот барча жин ва одам авлодларига юборилган ҳақиқий пайғамбардирлар”.

Турк ҳукмдорларидан Султон Маҳмуд Фазнавий тақвоси, Пайғамбар (алайҳиссалом) суннатларига уйғун яшагани, адолатпарварлиги билан машҳур эди. Унинг бир вазири бўлиб, вазирнинг Муҳаммад исмли ўғли Султонга котиблик қилар

эди. Бу куни Маҳмуд Фазнавий котибни исми билан эмас, “Эй вазирнинг ўғли”, деб чақирди. Бу ҳолдан котиб сергакланди, подшоҳни ранжитадиган бирор иш қилдимми, деб хавотирга тушди. Воқеани отасига айтиб, маслаҳат сўради. Аммо подшоҳ кейинроқ ўғлини яна ўз исми билан чақирганини кўриб, вазир минг андишада подшоҳдан: “Ўғлим хатосини англадимми, уни яна ўз исми билан чақирдингиз”, деб сўради. Подшоҳ: “Ташвишланма, эй вазир, ҳамиша ўғлингнинг отини айтиб чақирганимда таҳоратли бўлар эдим. Бир сафар таҳоратим йўқ эди. Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) муборак исmlарини таҳоратсиз тилга олгим келмади”, деди.

Жунайд Бағдодий айтади: “Аллоҳнинг лутфисиз ҳеч кимса Унга етиша олмайди. Аллоҳга етишишнинг йўли эса, Унинг расули ҳазрати Муҳаммадга тобе бўлишдир”.

Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий бундай дейди: “Нажот уч нарсасада — ҳалол ейиш, фарзларни адо этиш ва Пайғамбарга (алайҳиссалом) эргашишдир”.



ларидан Ламартиннинг мана бундай сўзлари бор: “Агар кишининг буюклиги унинг қилган ишларига, қозонган зафарларига, имконияти оз бўлса-да, кўп иш қилганига қараб баҳоланадиган бўлса, Муҳаммад (алайҳиссалом) инсонларнинг энг буюгидир. Пайғамбар, нотик, даъватчи, қонуншунос, жангчи, қалбларнинг ҳимоячиси, ғоялар тарғиботчиси, имом, давлат ар-

Франциянинг машҳур арбоби ва саркардаси Наполеон Бонапарт эса у зотга бундай баҳо беради: “Аллоҳ таолонинг бирлиги ва борлигини Мусо (алайҳиссалом) миллатига, Исо (алайҳиссалом) умматига, Муҳаммад (алайҳиссалом) эса бутун инсониятга билдирди”.

Инглиз олими Жон Давенпорт мана бу фикрларни ёзиб қолдирган: “Машҳур пайғамбарлар ва фотиҳлар орасида ҳаёти Ҳазрати Муҳаммаднинг (солаллоҳу алайҳи ва саллам) тарихидек энг кўп ва барча нуқталаригача батафсил ўрганилган тарихий шахс йўқ”.

Америкалик тарихчи олим Мишел Ҳарт бундай дейди: “Дунёдаги таъсири энг кучли шахслар рўйхатининг бошига Муҳаммадни ёзиб қўйсам, эҳтимол айрим мухлисларим таажжубга тушишар? Бошқалар эҳтимол буни ўзгача тушунишар? Нима бўлганида ҳам у дунёвий ва диний соҳалардаги самарали ишлари билан тарих саҳнасидаги ана шу мўътабар мақомга муносибдир”.

Буюк Британиялик олимлар Эдвард Гиббон билан Симон Осклай ёзишади: “Муҳаммад (алайҳиссалом) тарғиб қилган ғояларнинг жозибаси унинг издошларини Пайғамбар шахсияти сари тортаверади. Зеро, у одамларни ақл-идрок ва дин билан бошқарган эди”.

Оксфорд дорилфунуни профессори Виям Монтгомери: “Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) зафар-ютуқлари унинг буюклигига далилдир. Бундай мақом-мартабага эришган бошқа шахс Фарбда маълум эмас. Уни сеҳр-гарликда айблаш мақсадига эришолмай, ноилож қолган одамнинг чиранишидир”.

Аҳмад МУҲАММАД
тўплади.

ОРТИҚ СЕВАМИЗ

Аҳмад Ҳаворий: “Пайғамбарнинг суннатига номувофиқ ҳар бир ҳаракат ботилдир”, деган.

Ҳазрати Расулуллоҳни Фарбнинг инсофли кишилари ҳам улуғлашган. Буюк олмон шоири Волфганг Гёте бундай деб ёзган: “Мен дунё тарихини ўқиб шундай хулосага келдим: дунё подшоҳлари тўплаган жами салтанату бойлик, қасрлару саройлар Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) ямоқ ятакларига ҳам арзимас экан... Биз Оврупа миллатлари маданий имконимиз юқори бўлишига қарамай, Ҳазрати Муҳаммад сўнгги поғонасига қадар чиқа олган зинанинг биринчи пиллапоясидамиз, холос. Ҳеч шубҳа йўқки, бирон кимса у зотдан юқорироққа ўта олмайди”.

Атоқли файласуф Шебол бундай дейди: “Ҳазрати Муҳаммаднинг одам боласи бўлгани бутун инсониятга катта фахрдир. Чунки у зот уммий бўлса-да, ўн гўрт аср аввал шундай қонун ва асосларни келтирдикки, биз оврупаликлар икки минг санадан кейин уларнинг қиймати ва ҳақиқатини англаб етсак, энг масъуд, энг саодатли насллар бўламиз”.

Франциянинг таниқли олим-

боби, ер юзининг йигирмата минтақасида исломий салтанат кура олган... Муҳаммад (алайҳиссалом) ана шундай зот эди! Унга ҳеч қайси буюк инсон тенглаша олмайди! Наҳотки у ўлчовларга сифса?!”

Мадрас (Ҳиндистон)лик Аннай Безант ёзади: “У бир вақтнинг ўзида ҳам Сезар, ҳам Папа эди. Аммо Папа бўлиб, унда Папанинг иддаолари йўқ эди. Сезар бўлиб, унда Сезарнинг беҳисоб лашкари йўқ эди. Агар бирон-бир шахс мунтазам қўшинсиз, тансоқчиларсиз, саройларсиз, давлат даромади (солиқлар)сиз, мен Унинг изну ихтиёри билан бошқардим, дея олса, унда у Муҳаммаддир. Чунки унинг қўлида ҳеч қандай бошқарув воситаларисиз ва асосларисиз ҳокимият бор эди”.

Таниқли шарқшунос Виям Муирнинг қуйидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқ: “Ҳазрати Муҳаммад ҳақида гапирганларимиз бир нуқтада тўпланади. У ҳам бўлса, бу зотнинг хулқ-атвори юксаклиги, ахлоқининг покизалигидир. Булар шундайин улуғ фазилатларки, у замондаги маккаликлар орасида жуда нодир эди”.

РАСУЛУЛЛОҲ

(соллаллоҳу алайҳи ва саллам)

ДАВРЛАРИДА ТАШҚИ МУНОСАБАТЛАР

Исломгача бўлган даврда бошқа ҳудудларда бўлгани каби арабларда ҳам қабилалараро низолар, урушлар, ер-жой талашишлар авж олган эди. Шу сабабли ҳам уруш очишдан аввал ёки кейин сулҳ тузилган. Одатда уруш очмаслик ва муайян ҳудудда барқарорликни сақлаш мақсадида “тинчлик сулҳлари” имзоланган. Элчилик муносабатлари ҳам шу тарзда тартибга солинган. Музокаралар олиб бориш учун низолашаётган томонлардан битта-битта одам чиқиб, вакил сифатида иштирок этган. Тарихий мисол сифатида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) боболари Абдулмутталибнинг Ҳабашистон давлати раҳбари Абраҳа билан келишув олиб боргани ва ҳошимийлар хонадонининг улуғи сифатида қийин вазиятдан чиқиб кетиш чора-тадбирларини кўрганини келтириш мумкин.

Ислом келганидан сўнг вазият тубдан ўзгарди. Илгари Арабистон ярим оролидаги ташқи ҳужумларга қарши олиб борилган мунтазам курашлар сиёсат оламида одатий ҳолга айланиб қолди. Янги вужудга келган Ислом эса сиёсий, иқтисодий, маданий ва этник шароитни тартибга солишда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Бу курашлар жараёни Расулulloҳнинг Византия ва Эрон каби хорижий мамлакатлар билан алоқа ўрнатишларига туртки бўлди.



Расулulloҳнинг қабилалараро ва давлатлараро муносабатлари асосан икки йўналишда қурилган. Биринчи йўналиш соф исломий мақсаддир. Расули акрамнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асосий мақсадлари Исломни кенг оммага ёйиш ва мўминлар сафини кўпайтириш бўлган. Аллоҳ таолонинг Расули акрамга топширган асосий вазифаси ҳам шудир. Бу йўналишда Расулulloҳнинг ишлари ниҳоятда қийинчилик билан, аммо босқичма-босқич ютуқлар билан тобора ривожланиб борган. Атрофдаги қабилалар билан кетма-кет муомалага чиқа бошладилар.

Иккинчи йўналиш сиёсий мақсаддир. Ҳудайбия битими Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сиёсий келишувлар соҳасида катта қадам қўйганларини кўрсатади. Бу давр атрофдаги мамлакатлар билан ўзаро алоқалар тизимининг юзага келиш даври бўлди. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш керак, Расулulloҳга сиёсат ҳам, дипломатия ҳам динни етказиш воситаси бўлган. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) чор атрофдаги мамлакатлар билан муносабатга киришар эканлар, давлат тимсоли сифатида эмас, Аллоҳнинг элчиси сифатида иш кўрганлар. Мақсад, Ислом даъватини амалга ошириш, янги динни танитиш бўлган. Ўша даврнинг йирик ҳукмдорларига нома юборишдан бир оз аввал, 627 йил ўрталарида Шом давлати билан муносабатлар ўрнатилган. Бу муносабатлар савдо йўллари хусусида бўлиб, унда маҳаллий ҳукуматлар билан расмий муносабатлар ўрнатишга интилиш бор.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) атрофдаги қabila ва мамлакатларга хат ва элчи юбориб, яъни, тинч йўл билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилганларининг асосий боиси Исломга даъват экан, у зот бу масъулиятли ишнинг уддасидан чиқдилар. Маълумки, илк кезларда Аллоҳ таоло даъватни яқин қариндош-уруғлардан бошлашни буюрган эди. Сўнг теварак дунёга етказиш амри тушди.

Тарихга назар ташласак, Макка мушрикларини билан Ҳудайбия битими тузилганидан сўнг қисқа муддат ичида бирйўла саккизта

ҳукмдорга нома юборилди: Рум подшоҳи Ҳирақлга, Эрон шоҳи Хисравга, Ҳабашистон нажошийи Асҳимага, Миср ҳукмдори Муқавқисга, Баҳрайн подшоҳи Мунзир ибн Совийга, Уммон подшоҳларига, Ямома ўлкасининг амири Ҳавза ибн Алига, Шом волийи Ҳарс ибн Шумурга.

Бу пайт ҳижратнинг 7-йили (628 милодий) муҳаррам ойи эди. Элчиларнинг бир қисми Хайбар фатҳидан олдин, бошқа қисми эса кейин йўлга чиққан. Расули акрамнинг хатларини олиб борган элчилар: Дихйа ал-Калбий, Хузофа ибн Абдуллоҳ, Умаййа ибн Умайр, Батоа ибн Хотиб, Ваҳб ибн Шужоъ, Умайр ибн Салутлар эди.

Имом Бухорий "Саҳиҳ"и-ни шарҳ ва изоҳ этган аллома Бадриддин Айний ҳам бу элчиларнинг олти киши бўлганини маълум қилган. Лекин "Зодул маод" китоби муаллифи Ибн Қаййум бу элчилар саккиз нафар бўлганини ёзди. Ибн Қаййум қўшимча қилаётган икки элчи Алои Хадрабий билан Амр ибн Ос эдилар.

Айни пайтларда ва ундан кейин Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига ҳам турли мақсадларда элчилар кела бошлаган. Масалан, Нажрон элчилари, Бани Омир элчилари, Абдулқайс элчилари, Бану Ҳанифа қабиласи элчилари, Той қабиласи элчилари, Кинда қабиласи элчилари, Фурва ибн Амр ал-Жузомий элчилари ва бошқалар.

Хуллас, саодат асри ташқи муносабатлар тарихи ибратларга бой мавзудир.

Нозима ИБРОҲИМОВА,
Тошкент Ислам
университети магистри

ТАЖВИД




1. **ث ("се")** – тил учи икки олд тепа тиш учларига тез тегиб чиқади.

ث – "Се"ни талаффуз қилишда тилнинг ҳолати

2. **ج "жим")** – тил ўртаси ва унинг қаршисидаги тепа танглай орасидан чиқади.

ج – "Жим"ни талаффуз қилишда тилнинг ҳолати



3. **خ ("хе")** – ютқумнинг ўртасидан чиқади.

خ – "Хе"ни талаффуз қилишда тилча ва тилнинг ҳолати


4. **خ ("хе")** – ютқумнинг оғизга яқин жойидан чиқади.

خ – "Хе"ни талаффуз қилишда тилча ва тилнинг ҳолати



5. **د ("дол")** – тил учининг тепаси икки юқори олд тишларнинг милкига тегиши билан чиқади.

د – "Дол"ни талаффуз қилишда тилнинг ҳолати



Сен вужудимдасан...

Дўхтирлар айтишича, ҳозир ҳамма аъзоларинг ривожланган, кўзларинг ҳам очилган. Юрагимнинг тагида питирлаганинг, оёқ-қўлчаларингни қимирлатганинг сари қалбимни аллақандай ҳислар чулғаб олади. Лабларим нималарнидир пичирлайди.

ҳол таҳорат олиб, ибодатга шошиламан, ҳаққингга дуо қиламан. Ҳатто ҳозирданоқ суннатта мувофиқ яшашни ўргангин дея дадангдан рухсат олиб, гоҳида нафл рўза ҳам тутаман. Бўталоғим, буларнинг бари сенинг соғлом, имонли, покиза, ҳалол фарзанд бўлишинг учундир!

ладинг?" деб сўроқлардилар. Ҳатто уришардилар ҳам. Менга бу хавотирлари эриш туюлиб: "Сизга гўдакманми, ҳадеб тергайверасиз?" деб силтаб юборардим. Аччиқ қилиб, ҳатто овқатланмай кўярдим. Аразлаб, бир кун-ярим кун гапирмай ҳам юрардим.

Ҳозир сен вужудимдалигингда онамнинг дардларини тўлароқ ҳис қила бошладим. Агар сен, митти одамча, озгина пайт қимирламай қолсанг, юрагим ёрилаёзади. Ўзимни кўярга жой тополмай, у ёқдан-бу ёққа юравераман. Дадангга нолий бошлайман. Улар: "Сабр қилинг, ҳаммаси яхши", десалар ҳам, чидамай, уйни гирён айланавераман. Ниҳоят, сен бир қимирлаб, хавотиримни кетказасан. Кўнглимга ҳузур бахш этасан. Ўз-ўзимдан қувониб, сени менга неъмат қилиб берган Аллоҳ таолога тасбеҳ айтаман. Бўталоғим, сен менга меҳрибон, ёлғиз Яратувчи Аллоҳнинг ҳамма нарсага қодир эканини англадинг!

Бугун эрта тонг оғриқ зўрайди. Тез ёрдам келди. Дўхтир аёл менга ўкинч ила боқиб, сенинг аҳволинг оғир эканини айтди. Кўзларимни юмдиму хушимдан айрилдим. Нима бўлганини билмайман. Касалхонада кўз очдим. Бу кенг, ёруғ олам бир кунда зулматга айланди-қолди. Бу ҳол мени жинни қилаёзди. Эс-хушимни йўқотиб, на ўзимга, на дадангга эътибор қилдим. Агар онам келиб, далда бериб, суямаганида, сендан айрилиб қолармидим... Мен буюк суянч ила оёққа турдим. Умид билан даволандим. Буюк Яратувчининг паноҳига сиғиндим.

Бўталоғим, сен ҳамон вужудимдасан. Парвардигор мени сендан айирмади. Юрагим остида типирлашинг мени ҳаётга қайтарди.

Ноила ХОЛМУҲАММАД

Она меҳри



Бўталоғим, даданг ҳозироқ иккимизни яна ёлғиз қолдириб, бизни озуқалантириш учун луқма топгани кетди. Йўқлигида сен билан суҳбатлашиб, сенга дардларимни айтгим келди. Сен ҳамон вужудимдасан, юрагимнинг остида, юрагимнинг ҳар бир уришини сезиб ётибсан, демак, сен мени эшитяпсан...

Ҳар сафар ичларим қақшаб оғриганида, кўнгил айнаши

азоб берганида, аъзойи баданим вазнингга кўниқолмай зирқираганида онамни эслайман. Онам ҳам мени туққунларича бундай азобларни бошдан кечирганлар экан. Мен буни шу сониялардагина ҳис қилдим.

Ўқиш ёки ишдан кеч қолганимда, хавотирдан кўча бошига чиқиб олар, узоқдан мени кўришлари билан ҳаллослаб чопиб келар эдилар. Нигорон кўзларини боқиб: "Нега бунчалик ҳаял-

Кўзичоғим, сени тезроқ кўргим, қўлчаларингдан ўпгим, тўйиб-тўйиб ҳидлагим келади. Қизмисан, ўғилмисан, эсон-омон туғилишингни даданг иккимиз жуда-жуда истаймиз. Шу боис, нафсим ҳар нарсаларни тусаб турса-да, шубҳали луқмалардан, ёлғон-яшиқ гап-сўзлардан, ҳар хил бўлмағур таъсирлардан сақланишга ҳаракат қилияпман. Кечалари уйқум қочиб, ўрнимдан тураман. Дар-

Абдулла ИСМОИЛОВ,
Тошкент Ислом университети магистри

ШУУРИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН

Ўзбекистоннинг мустақилликка юз тутиши том маънодаги диний ҳамда маънавий-руҳий эркинликларга ҳам йўл очиб берди, ҳақиқий диний эътиқод эркинлиги шаклланди. Муқаддас Ислом динимизга, унинг моҳияти ғояларига соғлом муносабат шаклланди.

Минг афсуски, XX аср ниҳоясига келиб кишиларни ўзаро меҳр-оқибат, тотувликка чорловчи асл диний қадриятларимиз ҳокимиятни эгаллаш пайида юрган кучлар ва уларнинг югурдаклари ғаразли мақсадлари йўлида халифаликни тиклаш, жиҳод уюштириш каби даъватлар билан алмаштиришга уриндилар. Ислом динимизнинг асл моҳиятини бузиб талқин қила бошладилар. Шу ўринда бундай вазият вужудга келишига сабаб бўлган омилларга ҳам эътибор қаратиш лозим:

— Баъзи чет мамлакатлардаги бузғунчи даъватчи ташкилотлар янги ташкил топган мустақил давлатларга кучли мафкуравий таъсир ўтказишга урина бошлади.

Мужда

Ер юзи аҳолиси 6,5 миллиарддан ошди

Шу йилнинг феврал ойи охирида Ер курамы аҳолиси олти ярим миллиард кишидан ошди. Олимларнинг ҳисобига кўра, ҳозир ҳар сонияда тўртта чақалоқ туғиляпти. Курамы аҳолисининг йиллик ўсиши эса 75 милён кишини ташкил этади. Мутахассислар 2010 йилга бориб, аҳоли сони ўсиши мунтазам камайиб боришини

тахмин қилишмоқда. Агар 1990 йилда аҳолининг йиллик кўпайиши 1950 йилдан кейинги энг юқори даражага етиб, салкам 90 милённи ташкил этган бўлса, 2050 йилга бориб ўсиш юз йил олдинги даражага тушади ва йилига 40 милён атрофида бўлади.

РИА "Новости"



— Аҳоли хатти-ҳаракатларини мафкуравий дастурлашнинг метин пойдевори устига қурилган совет тузумининг йўқ бўлиб кетиши натижасида кишилар онгида ғоявий бўшлиқ юзага келди. Шу маънода президент Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари катта аҳамиятга эга: "Табиатда бўшлиқ бўлмаганидек, инсоннинг онгу тафаккурида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги тараққиёт бу фикр нақадар тўғри эканлигини кўрсатди".

— Мустабид тузум даврида хориждан маълумот олиш йўлида қурилган тўсиқларнинг бузилиши оқибатида четдан ҳар хил тўғри-нотўғри мафкуралар эмин-эркин оқиб кира бошлади.

— Мустақиллик мафкурасини яратиш, дунёвий илм-маърифат, динлар, айниқса, Ислом дини ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш узоқ давом этадиган жараёндир.

Санаб ўтилган омиллар жамиятга таъсирини ўтказмай қолмади. Кўплаб ёшлар турли оқимларнинг баландпарвоз ғояларига ишониб, алданиб қолдилар. Аммо кенг кўламда олиб борилган маънавий-маърифий ишлар, албатта, самарасини бермоқда. Адашган оқимларга эргашганлардан кўплари давлатимиз раҳбари эълон қилаётган кечирим (амнистия) билан озодликка чиқмоқда. Ақл-хушини йиғиб олганлари ҳалол меҳнат кучоғига қайтиб, самарали меҳнат қилмоқда, оиласи, ота-онасининг хизматини қилиб, дуоларини олмоқда. Аммо афв туфайли озодликка чиқиб, яна ношукрлик қилганлари ҳам бор.

Яратган Парвардигор ҳеч кимни бу йўлда адашгирмасин. Халқимизнинг илм-маърифати юксалиб, динимиз ва ватанимизга муҳаббатимиз ҳеч сўнмасин, онгу шууримиз мусаффо бўлсин.

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



"Румий йили"

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО машҳур Ислом алломаси, адиби ва маънавий устози Мавлоно Жалолиддин Румий таваллудининг 800 йиллигини кенг нишонлаш юзасидан қарор қабул қилди. "Бу қарор Туркия маданият ва сайёҳлик вазирлиги таклифига кўра қабул этилди", дейди вазир ўринбосари, профессор Мустафо Эсон. "Румий йили" деб эълон қилинган 2007 йилда улуғ шоир мероси мавзуидаги тадбирлар унинг ватани Кўнёда, шунингдек, жаҳоннинг кўпгина шаҳар ва мамлакатларида ўтади. Халқаро Румий жамияти президенти, Мавлононинг йигирма иккинчи поғона авлоди Форуқ Чалабий ЮНЕСКО қарорига катта баҳо берди. У, шунингдек, бу ташаббус Эрон ва Афғонистон томонидан ҳам қизгин қўллаб-қувватланганини изҳор этди.

www.islam.ru

Ватикан Қуръон ўқитилишига қарши эмас

Ватикан (Рим Папаси қароргоҳи) Италия мактабларидаги мусулмон ўқувчиларга Қуръони каримдан сабоқ берилишига қарши эмас. Римда ўтказилган "Гинчлик сари йўл" анжуманида шу ҳақда сўз борди. Италия Ички ишлар вазирлиги қошида ташкил этилган Мусулмонлар кенгаши бундан бир неча кун аввал мактабларда Ислом асосларини ўқитишни жорий этиш тўғрисида таклиф киритган эди.

РИА "Новости",
ИТАР-ТАСС

"Ягона Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!"

Қозон шаҳридаги "Ёдгор" студияси "Ягона Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, деб куйла!" номли дискни сотувга чиқарди. Унда машҳур бастакор Ринат Шуайбов мусиқасиз ижро этган наът (исломий кўшиқ)лар ўрин олган. Шуниси диққатга

сазоворки, бу наътлар рус тилида айтилган. Тез орада кўшиқлар албомининг татар тилидагисини чиқариш ҳам мўлжалланмоқда. Ринат Шуайбов Қозондаги "Сулаймон" масжиди фаоли, шунингдек, маҳаллий оммавий-ахборот воситаларининг мухбири ҳамдир.

"Ислам-инфо"

Элик киши мусулмон бўлди



Даниялик элик киши Исломни қабул қилишларини изҳор этди. Бу ҳақда Дания Ислом қўмитаси аъзоси Абдулҳамид Ҳамдий Даниянинг "Демократия" каналидаги чиқишида маълум қилди. "Мамлакатда яқинда бўлиб ўтган

можаролар данияликларнинг Исломга қизиқишларини кучайтирди. Кўпчилик Исломга ва Пайғамбар Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳаётларига чуқурроқ қизиқа бошлади. Бу нарса уларнинг дунёқарашига ва Ислом динига муносабатига таъсир кўрсатди", деди у. Унинг айтишича, мазкур элик нафар даниялик ҳеч қандай даъватсиз, кўнгилли равишда мусулмон бўлган.

"Ислам-инфо"

Танқид

Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) Бош котиби Акмалиддин Эҳсонўғли ядро технологияси соҳасидаги муносабатларда иккиюзли сиёсат олиб бораётгани учун Фарбни қоралади. У Эроннинг "Ал-Аълам" йўлдош телеканали орқали чиқишида: "Бу сиёсатнинг тобора башараси очилиб қоляпти, ҳозирги пайтда бундай муносабатнинг янги кўринишларига шохид бўлиб турибмиз", деди. Унинг айтишича, "Бошқа ҳар қандай мусулмон мамлақати қатори Эроннинг ҳам ядро соҳасида илмий тадқиқот олиб бориш ва унинг қувватидан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйи-

ча атом дастурига эга бўлиш ҳуқуқи бор. Бош котиб ядро қуролини тарқатмаслик бўйича Шартномага қатъий риоя қилиш заруратини ҳам таъкидлади. У: "Яқин Шарқ худуди атом қуролдан холи бўлиши керак", деди ва Яқин Шарқ мамлакатларига нисбатан куч ёки чеклов ишлатиш оғир оқибатларга олиб келиши ҳақида огоҳлантирди.

"Оврупа Иттифоқи Исломни ҳимоя қилиши керак"

Туркия Ташқи ишлар вазири Абдуллоҳ Гул Англия ахборот агентлиги мухбирига "Оврупа Иттифоқи Исломни ҳимоя қила олмас экан, обрўйини йўқотади, бунга тааллуқли қонунлар мавжуд, фақат уларни ҳамма динларга баравар татбиқ этиш керак", деди.

Австриянинг Залбург шаҳрида бўлган Оврупа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари учрашувида Оврупа билан мусулмон дунёси ўртасида ишонч ўрнатиш йўллари муҳокама қилинди. Анжуманда сўзга чиққан Абдуллоҳ Гул барча динлар вакилларига тенг муносабатда бўлиш зарурлиги ҳақида гапирди.

Reuters

Оилани режалаш қонунига муносабат



Мисрдаги "Ал-Азҳар" дорулфунуни шайхи Муҳаммад Саййид Тантовий оилани режалаш қонуни қабул қилинишига қарши чиқди. У дорулфунун қошидаги Солиҳ Камол марказида ташкил этилган "Ислом иқтисодиёти нуқтаи назарига кўра нуфус (демография) сиёсати" мавзуидаги анжуман очилиши маросимида шу ҳақда сўзлади. У таъкидладики, "ҳар бир хонадоннинг оилавий масалалари уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолатига қараб, турлича бўлади. Эр-хотин муносабатлари оилани режалаш каби қонунлар билан чегараланиши мумкин эмас". У, шунингдек, оилани режалаш билан Аллоҳ таоло буюрган нарсалар ўртасида ҳеч қандай ихтилоф йўқ эканини ҳам айтиб ўтди.

Оврупада мусулмалар ташкилоти

5 март Оврупа мусулмон аёллари учун тарихий кун бўлди, шу кун Белгия пойтахти Брюсселда мусулмаларнинг Оврупа кенгаши очилди ва у аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини муҳокама қилди. "Бу тарихий воқеа, Оврупа аёл мусулмонлари илк марта ўз овозларига эга бўлишди", дейди тадбир мутасаддиси Нури

Жабалла. Тадбирда Украина, Руминия, Полша, Босна, Туркия, Греция, Италия, Олмония, Швейцария, Дания, Швеция, Испания, Буюк Британия, Франция, Белгия мусулмалари иштирок этишди. Кенгаш мажлиси Қуръони карим тиловати билан очилди. Кейин Оврупадаги аёл мусулмонлар ҳаёти ҳақида ҳужжатли филм намойиш этилди. Кенгашда мусулмаларнинг умумоврупа ташкилоти тузилгани эълон қилинди. Қароргоҳи Брюсселда жойлашган бу ташкилот ноҳукумат бирлашма сифатида рўйхатга олинади.

IRNA

Доғистонда намоз бўйича танлов

Янги мусулмон бўлган Хадича ва Омина Шерматовалар Доғистондаги "Муслимат" диний жамияти томонидан ўтказилган намозни энг яхши адо этиш бўйича аёллар танловида ғолиб чиқишди. Исломнинг иккинчи рукнини тўғрироқ ва комилроқ адо этиш мусобақаларида Бўйноқдаги Сайфулла Қози номидаги Ислом дорулфунуни ва "Муслимат" жамияти қошидаги "Маънавий гўзаллик мактаби" талабаларидан қирқ бешдан зиёд қиз иштирок этди.

Хадича ва Омина оналари Ойиша билан бир неча йил аввал Исломга киришган эди. Яқинда улар Армавир шаҳридан Доғистонга кўчиб ўтишди. Ойиша 1999 йилдан буён фаолият олиб бораётган "Муслимат" жамияти фаолларидан саналади.

"Нурул-Ислам"

Янги исломий йўлдош канали

Саудия Арабистони Холдинг компанияси бош маъмури шаҳзода Валид ибн Талал "Ар Рисола" деб номланган янги исломий йўлдош телеканали иш бошлаганини маълум қилди. Компания қароргоҳидаги матбуот анжуманида сўзга чиққан шаҳзода бу канал биринчи навбатда араб ёшларига мўлжалланган, кейинчалик эса Ғарб мамлакатлари аҳолиси учун инглиз тилида ҳам кўрсатув олиб бориш режаси бор, деди. Унинг айтишича, янги телеканал ҳар бир кишининг кундалик ҳаётидан келиб чиқиб, турли диний, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича суҳбат, баҳслар, Ислом уламолари билан учрашувлар ўтказди.

Arab News





ОМОНАТГА РИОЯ, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: "Динингиздан энг биринчи йўқотадиган нарсангиз омонатдорликдир. Энг охиргиси эса намоз".

Бу ҳадис Аллоҳ йўлида чин мусулмон бўлишни ният қилган яхши инсонларни ҳушёрликка чақиради. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), охирзамон одамларида омонатдорлик камайиб кетади, ҳатто намоз ўқиб юрган одамларнинг ҳаммаси ҳам омонатдор бўла олмайди, деб огоҳлантирмоқдалар. Омонатдорлик бошқаларнинг сирлари ва ҳақларини сақлаш, одамларнинг ҳаққидан қўрқиб, ростгўй, оққўнғил бўлишдир. Бу сифатларни Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга ёшлик пайтларидаёқ берган эди. У кишининг ростгўй ва омонатдорликларига ҳатто кофирлар ҳам тан беришган. Бу сифатлар бугун ҳам Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яхши кўрадиган чин мусулмонларда

топилади. Аммо замон охирлашгани сайин одамларда имон заифлашиб кетади, омонатдорлик камайиб боради. Қиёмат яқинлашганида одамлар орасидан энг биринчи бўлиб омонатдорлик ва бошқа яхши сифатлар кўтарилади. Энг охири фақат намоз ўқиш қолади, холос. Демак, ҳозир баъзиларимизда намоздан бошқа яхши хислатлар кўринмаётгани шундан экан-да. Аллоҳ сақласин. Шунинг учун намоз ўқийдиган ҳар бир мусулмон ўзини тез-тез текшириши ва "Мен ҳам ҳадисда айтилган омонатдорлиги йўқ мусулмонлардан бўлиб қолмадиммикан?" деб қўрқиб туриши керак.

Мўмин одам омонатга ҳаргиз хиёнат қилмаслиги лозим. Омонатни ўз вақтида адо этиш инсонлар ўртасидаги алоқаларнинг яхшиланишига сабаб бўлади.

Анасдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: "Агар сизларни Аллоҳ ва Расули яхши кўришини хоҳ-

ласангиз, уч хислатга — рост сўзлаш, омонатни адо этиш ва яхши қўшничиликка риоя қилинлар".

Мўмин одам доимо рост сўзлайди ва омонатга риоя қилади. Омонат икки хил бўлади: Аллоҳнинг омонати ва одамларнинг омонати. Аллоҳнинг омонати У Зот буюрган ибодатлардир. Одамларнинг омонатлари эса, уларнинг маънавий ва молиявий ҳуқуқларидир. Мусулмон одамга ҳар икки омонатни ҳам адо этиш фарз. У Аллоҳ ва Расулининг буйруқларини бажаради, одамларнинг ҳақларини ҳам адо этади. Бировнинг молини рухсатсиз олмайди, унинг махфий сирларини фош қилмайди.

Шунингдек, мусулмон киши қўшнисини ҳурмат қилади. Қўшничиликнинг маъноси жуда кенгдир: яшаётган ерида қўшни бўлиш, ишлаётган ёки ўқийётган жойида қўшни бўлиш, ҳатто сафарда қўшни бўлиш ва ҳоказо. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мусулмон киши олижаноб бўлишга, ён-атрофидагиларни хафа қилмасликка интилади.

Хулоса шуки, Аллоҳ ва расули Исломига тўлиқ амал қиладиган бандаларни яхши кўришади. Аллоҳ ва расулининг муҳаббатига сазовор бўлиш учун мўминлар ёлғон гапиришдан сақланиш, омонатга хиёнат қилмаслик ва қўшнилари билан яхши муносабатда бўлишга жиддий аҳамият беришлари лозим. Бу ўринда рост гапириш энг аввал тилга олингани учун ҳар бир сўзга эътибор бериб сўзлаш зарурлиги ва ёлғончилик жуда катта гуноҳ экани маълум бўлади.

"Қирқ ҳадис шарҳи" китобидан
Зиёвуддин РАҲИМОВ
тайёрлади

НОШУКР БЎЛМАЙЛИК

Аллоҳ таолонинг бизга берган неъматларини санаб адоғига етолмаймиз. Ҳаётимиз тинч, яшаш учун зарур нарсалар етарли. Аммо шукронасини адо қила олмаётимиз. Шукр тугул, гийбат, чақимчилик, қотиллик ва фақш ишларга қўл ураётганларни кузатиш ачинарлидир.

Шулар ҳақида ўйлаб юрган кунларим интернет саҳифаларидан бирида* бундай бир маълумотни ўқиб қолдим:

"Ер юзидаги барча инсонларни юз нафар одамдан иборат кичкинагина қишлоқча аҳли деб фараз қилсак, улардан:

- 30 нафари насроний;
- 70 нафари Ислом ва бошқа дин вакиллари;
- 57 нафари Осиё қитъасидан;
- 21 нафари Оврупадан;
- 6 нафар одам бутун дунё бойлигининг 59 фоизига эгалик қилаётганлар ва уларнинг бари АҚШдан;
- 80 нафари ночор аҳволда;
- 70 нафари саводсиз;
- 50 нафари тўйиб овқат емасликдан азият чекаётганлар;
- бир одам ўлим тўшагида, яна бири эса ҳомиладор;
- бир одам (ҳа, айнан бир одам) олий маълумотли;
- фақатгина бир одам шахсий компютерига эгадир.

Агар эрталаб яхши кайфиятда уйғонган бўлсак, демак, биз шу кеча оламдан ўтган милёнлаб одамларга нисбатан омадлироқ, агар биз ҳеч қачон қонли урушларда иштирок этмаган, қийноқ ва азобларни кўрмаган

ҳамда агар қамоқда ўтирмаган бўлсак, демак, сайёрамизнинг 500 милён аҳолисига нисбатан бахтлироқ эканмиз.

Ҳар куни тўйиб овқатлансак, уст-бошимиз бут ва муқим яшаш жойимиз бор бўлса, демак, Ер юзидаги одамларнинг 75 фоизидан пулдорроқмиз. Агар банкда ҳисоб рақамимиз, чўнтакда пулимиз бўлиб, очликдан азият чекмаётган бўлсак, Ер юзининг саккиз фоиз бойваччалари орасида эканмиз. Ҳатто сизу биз ҳозир шу маълумотларни ўқиётганимизга ҳам шукр қилсак, яхши бўлади. Чунки сайёрамизда истиқомат қилувчи бир миллиарддан ортиқ аҳоли ўқиш-ёзишни мутлақо билмайди".

Булар шунчаки гаплар эмас. Улар йўқ жойдан олинмаган. 2004 йилнинг охирлари, 2005 йил бошида Индонезия, Шри Ланка, Таиланд мамлакатларида бўлиб ўтган кучли тўфон офатида 250–300 минг одам нобуд бўлди. 2005 йилнинг ёз-куз ойларида эса АҚШнинг бир қанча штатларида кўтарилган довуллар натижасида баъзи шаҳарлар сув тагида қолиб, кўплаб одамлар-

нинг ёстиғи қуриди. Покистон ва Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатларида юз берган зилзилалар боис йўллар беркилиб, 25–30 мингга яқин одам бинолар тагида қолиб кетди. Оч ва бошпанасиз қолганларга фақатгина тайёралар орқали озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб турилди. Булар бари Аллоҳ таолонинг синовларидир. Аллоҳга шукрки, диёримизда осойишталик, тўкинлик. Ибодатларини давомли адо этаётганлар сафи кўпайиб борапти.

Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: "(Эй) **Довуд хонадони**, (Аллоҳ сизларга ато этган бу неъматларнинг) **шукронаси учун амал-ибодат қилинглар!**" (*Сабъ, 13*). Демак, фарзларни адо этиш, билим олиш, Аллоҳ берган неъматларга шукр қилиш, жирканч ва ифлос ишлардан узоқ бўлиш қанчалик муҳимлигини чуқур ҳис этишимиз, англашимиз керак. Шундагина Аллоҳ таоло ваъдасига биноан бизга беражак неъматларини зиёда қилади.

Мухлиса ТОШПҶЛАТОВА
тайёрлади.



* <http://users.gazinter.net/melan/wach/warn.htm>.



наси имомларининг имоми эди... У жаҳрияи султония сулоласи баён қилинган "Лашаҳай" китобининг мусаннифи эди ва яна шиа мазҳабининг раддига "Дар радди мазҳаби шиъа" номли рисола тартиб бериб, у рисолада чорёрлар улуғлигини кучли далиллар билан исбот қилган... У кишининг асрида Алиобод мавзеъи обод шаҳарча эди ва ҳазрат эшон у ерга жомеъ масжиди, хонақоҳ ва мадраса бино қилган эдилар. У биноларнинг асари ҳозирда ҳам бор"¹.

Олим Шайх Азизоннинг бобоси Ҳофиз Қўйлиқийнинг онаси Бонукент (ҳозирги Зангиота

бўлган. Бу масжидда Қўйлиқ даҳаси халқи жума ва ҳайит намозларини ўқиган.

Йигирманчи йиллар охирида Туркистонда диндорларга ҳужум бошланиб, аксарияти қамалди ва қатл этилди, сургун қилинди. Масжидлар бузилди ёки улардан бошқа мақсадларда фойдаланила бошланди. Шу урҳо-урда Қўйлиқдаги масжид ҳам бузилиб, унинг ёғочлари Максим Горкий номли колхоз молхонаси қурилишида ишлатилган.

Шундан сўнг Қўйлиқ даҳасида масжид қурилмади. Эътиқодли кишилар намозларини

ҚЎЙЛИҚ ОТАНИНГ

Тошкентнинг Қўйлиқ даҳасини билмаган одам кам топилади. Шаҳарнинг "Фарғона йўли" кўчаси этагида, Чирчиқ дарёси яқинида жойлашган бу даҳанинг тарихи нурли ва бой. Бу тарих валий инсон Ҳофиз Қўйлиқий номи билан боғлиқ.

Ҳофиз Қўйлиқий самарқандлик Нўғай ота авлодларидан, азиз шайхлар сулоласидандир. У киши амир Имомқули Баҳодирхон даврида Самарқандда аълам (имомлар имоми) бўлган Олим Шайх Азизоннинг она томондан бобоси эдилар. Бу ҳақда XIX асрда яшаб ўтган Абу Тоҳирхоннинг "Самария" китобида ушбу сўзларни ўқиймиз: "Олим Шайх Азизон Дарвиш Шайх Азизоннинг ўғли Мўмин Азизоннинг ўғлидир. Она томондан бобоси Тошкент вилоятига қарашли Қўйлуқ деган ўринда бўлган мавлоно Ҳофиз Қўйлуқийдир. Олим Шайх Азизон 972 (1564) йили туғилганлар. Ҳазрат Олим Шайх Азизон Имомқули Баҳодурхон даврида Самарқандда аълам эди ва у замо-

туманидаги Ўзгариш) қишлоғига келин бўлиб тушган.

Тақводор ва ўқимишли оиладан ўсган Ҳофиз Қўйлиқий вояга етгач, Қўйлиқда – Тошкентнинг Қўқон дарвозаси, Чирчиқ дарёси кечувига яқин серқатнов жойда масжид ва работ қурдириб, узоқ йиллар имомлик қилган. Куръони каримни ёд олгани, диний илмни мукамал билгани учун ҳофиз ва шайх унвонларини олган.

Ҳофиз Қўйлиқий (халқ ибораси билан айтганда, Қўйлиқ ота)нинг қабри илгари "Фарғона йўли" кўчасининг қоқ ўртасида бўлган. 1921 йили Чирчиқ дарёсига осма кўприк қурилганида (бу кўприк ҳозир ҳам бор) Қўйлиқ ота қабри ўнг томонга – бозорнинг юқори қисмида эскидан мавжуд бўлган қабристонга кўчирилган.

Илгари Қўйлиқ ота мақбараси яқинида, ҳозирги Истиқбол кўчаси бошида масжид

ўз уйларида, ҳайит намозларини эса Чирчиқ дарёси ўзанидаги тошлоқда яширинча, қўрқа-писа ўқиб юришганини ҳозирги кексалар яхши эслашади.

Фақат 80-йиллар охирига келиб, ошкоралик даври бошланганида Зокиржон Каримбоев бошчилигида бир гуруҳ қўйлиқлик фаоллар масжид қуриш масаласида собиқ Иттифоқ Министрлар Совети қошидаги дин ишлари бўйча кенгашта мурожаат қилишди. Рухсат берилди. Лекин барибир то республикамиз мустақиллигини



¹. Абу Тоҳирхожа. "Самария", Т., "Камалак", 1991 й.

қўлга киритмагунича қурилишни бошлаш мумкин бўлмади.

Ниҳоят, 1993 йил масжид очилиб, Қўйлиқ даҳасида яна Ҳофиз Қўйлиқий давридагидек ҳар кўни беш маҳал азон садолари янграй бошлади. Шундан бери "Қўйлиқ ота" жомеъ масжиди тобора обод бўлиб бормоқда.

1994 йили "Фарғона йўли" кўчаси кенгайтирилиб, Чирчиқ дарёси устида янги кўприк қуриладиган бўлдию яна маҳалла фаоллари Зокир ҳожи Каримбоев, Ҳусниддин Саидалиев, Муҳайё Исмоилова, Тожибой ҳожи Маҳмудов каби яхши

кил этиладиган байрам дастурхонига қўйилапти.

Шу кунларда яна бир эзгу ишга қўл урилди. Масжид ҳудудида 70 метр чуқурликдан сув оладиган қудуқ қурилиши бошлаб юборилди. Бу қудуқ ишга туширилса, масжид билан бир қаторда, 250–300 хонадонни тоза ичимлик сув билан таъминлаш мумкин бўлади.

Ўн йилдирки, ушбу масжид-



берди. 1953 йилда ҳарбий хизматдан қайтгач, милицияга ишга кирди. Сиртдан ўқиб, ички ишлар мактабини, сўнгра юри-

РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

инсонларнинг сайъ-ҳаракатлари билан мақбара ҳам қайта таъмирланиб, теварақлари билан обод бўлиб қолди.

Бугун "Қўйлиқ ота" жомеъ масжиди жамоаси кўп хайрли ишлар қиляпти. Даҳалаги Қўйлиқ ота, Обод, Истикбол маҳаллаларига, шунингдек, республика кўзи ожизлар жамиятига қарашли боғчага мунтазам ҳомийлик ёрдами бериб келади. Кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олади, моддий қўллаб-қувватлаб туради. Ҳар йили эрта баҳорда дошқозонда ҳалим, сумалак пиширилиб, аҳоли учун таш-


да имомлик қилиб келаётган Тоҳириддин қори Акром ўғли биз билан суҳбатда "Қўйлиқ ота" жомеъини қуриш, обод этишда жонбозлик кўрсатган кишилар қаторида, айниқса, Зокир ҳожи Каримбоев, Тожибой ҳожи Маҳмудов, марҳум Ҳусниддин Саидалиев, Бозорбой Эрматовлар номини алоҳида таъкидлади. Шу ўринда қўйлиқликлар кўп ҳурмат қиладиган Зокир ҳожи Каримбоев ҳақида икки оғиз сўз айтгимиз келди.

Бу олийҳиммат инсон 1928 йили Тошкентнинг Чорсу маҳалласида туғилган. Уруш йиллари ўн уч яшарлигида ФЗУ (фабрика- завод билим юрти)да ўқиб, "Ўзбекселмаш" заводида меҳнат қилди. 1949 йили ҳарбий хизматта кетди. Аввал Симферополда бўлди. Сўнг уни намунали аскар сифатида Киев шаҳридаги Ички ишлар министрлигига қарашли тўққиз ойлик курсга ўқишга юборишди. Сўнг ички қўшин таркибида хизмат қилди. Бу хизмат унинг масъулиятли касбни танлашига туртки

дик институтни тамомлади. Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасида ва Миробод тумани ички ишлар бўлимида турли вазифаларда ўттиз йилдан зиёд ибратли меҳнат қилиб, подполковник даражасига етиб, 1984 йили нафақага чиқди.

Одам ўз оиласи ҳаётини яхшилаш учун курашиши табиий ҳол. Лекин ўзидан, оиласи ташвишидан ортиб, кўпчиликнинг корига ярашга интилиши ва бунинг уддасидан чиқиши осон иш эмас. Бунинг учун, аввало, у одам олижаноб, халққа яхшилик қилишни соғинадиган бўлиши, тўрт одамнинг бошини қовуштириб, уларни хайрли ишларга йўналтириш қобилиятига эга бўлиши керак. Зокир ҳожи ота ана шундай фазилатлар соҳиби. Бунга унинг "Қўйлиқ ота" жомеъ масжидини қуриш ва маҳаллани ободонлаштиришга қўшган ҳиссаси яхши далилдир.

Али Назар ЭҒАМНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими





ҳам “Ҳафтияк”ка тафсир ёзган. Қуръони каримнинг тўлароқ тафсирини татар тарихчиси ва илоҳиётчиси Хусайн Амирхонов (1814—1893) амалга оширди. Кейинчалик, 1910—1911 йиллари татар олими ва шоири Муҳаммад Содиқ Имомқулининг икки жилдли “Тасҳил ул-баён фит-тафсир ул-Қуръон” китоби чоп этилди ва айнан шу тафсир яқинда Қатарда “Собиқ Совет Иттифоқи мусулмон турклари-га совға” сифатида қайта нашр қилинди. Йигирманчи асрда татарлардан Шайхулислам Ҳамидийнинг “Ал-итқон фит таржимат ул-Қуръон” тафсири ҳам машҳур эди.

1907 йили Қозонда чоп этилган “Ал-итқон” нусхаси кейинчалик Япония, Туркия, Қатарда қайта нашр қилинди. Абдунносир Курсавийнинг шогирди Мулла Нўъмоннинг

ҚУРЪОНИ КАРИМНИНГ ҚОЗОН БОСМАСИ

Баъзи манбаларда Волга (Идил) булғорлари Ислонми милодий 922 йили қабул қилишган, дейилади. Аслида, динимиз бу ерларга аввалроқ кириб келган, бунгача ҳам қатор масжидлар ишлаб турган.

Ислон дини ёйилиши баробарида Булғор мамлакатада Қуръони карим ва унинг тафсирлари ҳам пайдо бўла бошлади. Ўша пайтда Қуръонни бошқа тилларга таржима қилиш анъанаси бўлмагани учун татарларда уни оғзаки тафсир ва таъвил қилиш авж олди. Туркий халқлар орасида маълум Табарий, Абу Бакр, Абдуссалом Қазвинийлар тафсири жуда катта — ўттиздан уч юз жилдгача бўлгани учун ундаги мазмун ва қиссаларни бадиий асар қилиш ҳам шакллана бошлади. Рабғузийнинг “Қисас ул-анбиё”, Маҳмуд Булғорийнинг “Жаннат эшиги”, Сайфи Саройининг “Туркий Гулистон” каби асарлари шулар жумласидандир.

Ўн тўққизинчи асрга келиб, татарлар орасидан Қуръони карим маъноларини таржима ва тафсир қилган олимлар етишиб чиқди. Бу соҳадаги илк уринишни таниқли аллома Абдунносир Курсавий (1776—1812) амалга оширди. Ҳозир Қозон кутубхоналарида унинг қаламига мансуб “Ҳафтияк тафсири”нинг тошбосма нусхалари сақланмоқда. Татар тарихчиси ва адиби Тожиддин Ёлчигул (1768—1838)

тафсири ҳам туркий халқлар ўртасида кенг тарқалган. Шунингдек, ўтган асрда Бурхон Шароф, Сунъатуллоҳ Бекпўлат, Мурод Рамзий, Мусо Бегиев ва бошқаларнинг тафсир ҳамда маъно таржималари пайдо бўлди.

Ўн тўққизинчи асрда Қозонда босмаҳоналар пайдо бўла бошлади. Аммо чор ҳукумати татарларга босмаҳона тутишга ижозат бермаган, татарча ва арабча китобларни нашр этиш рус матбаачилари қўлида эди. 1856 йили Кукубин босмаҳонасида Қуръони карим чоп этилди. Афсуски, бу нашрда 356 та имловий хатога йўл қўйилган эди. Бироқ татарларнинг ўз вақтли матбуоти бўлмагани учун бу ҳолат кенг жамоатчилик эътиборидан четда қолди.

Ўша даврда Иван Николаевич Харитонов босмаҳонаси ном чиқарган эди. Татар ноширларининг ҳар қандай буюртмасини удалашга қодир бўлган бу босмаҳонада ҳам Қуръони карим чоп этилди. Аммо иш кўнгилдагидек бажарилмади: айрим оятлар икки-уч мартадан қайтарилган, баъзи оятлар эса тушиб қолган эди.

Матбуотда Харитоновни “фош этиш”га биринчи бўлиб ёзувчи Фотиҳ Амирхон журъат қилди. Матбаачи Харитонов бунга жавобан Қуръоннинг “хато босилган” нусхаларини янги-янгисига алмаштириб бериш, “келгусида бундай хатога йўл қўймаслик” ҳақида баёнот би-

лан чиқди. У бундай камчиликлар ҳар қандай матбаа корхонасида содир бўлиши мумкин деб ҳисоблаб, ҳодисага унча жиддий қарамади. Бироқ бу унинг катта хатоси эди. Татар матбуоти яқдиллик билан Харитоновга қарши шиддатли “ҳужум” бошлади. Кун тартибига Харитонов босмаҳонаси Куръонни қасддан хато босганми ёки бу тасодифий ишқаллик эдими, деган масала қўйилди. Иван Харитонов босмаҳона ҳарф терувчилари Ризвон Шарипов ва Зиннат Ҳисматуллинларнинг бепарволиги туфайли хато кетиб қолган, дея тушунтирди. Лекин китобда матн диний кенгаш вакили Сафиуллоҳ Абдуллин томонидан текшириб чиқилган ва тасдиқланган, деб кўрсатилган эди. Бу Харитоновнинг яна бир хатоси эди, чунки Абдуллин китоб хомакисини мутлақо кўрмаган. Тўғри, унинг номи Куръоннинг аввалги нашрларида ҳам бор эди, босмаҳона бу нашрга ҳам унинг номини шундоққина кўчириб қўяқолди. Харитонов нега унга хомаки нусхани кўрсатмай, китобнинг ҳамма нусхасини босиб юборгани сирлигича қолди. Ўша пайтда Куръонга талаб ниҳоятда катта бўлган (Русияда йилига икки юз минг нусха тарқаларди) шароитда “қўшимча” тираж босилгани ҳақида гумон пайдо бўлади. Ваҳоланки, чор Русиясида матбаачилик иши ҳукуматнинг қаттиқ назоратида бўлган.

Афтидан, Харитонов қуйма матрни яна бир бор мусулмон муҳаррирга кўрсатиб олишга эринган кўринади. Табиийки, қаттиқ ғазабланган Сафиуллоҳ Абдуллин диний кенгашга мурожаат қилиб, бу ишга алоқаси йўқлигини билдирган. Харитоновни судга бериш таклифи билан чиққанлар ҳам бўлди. “Харитонов иши” аста-секин сусайса ҳам, бу воқеа унинг корхонаси учун ҳалокатли бўлди — 1916 йили у босмаҳонасини сотиб, китоб ноширлигини бутунлай тарк этди.

Куръони каримнинг босма нусхасини Харитоновдан аввал Қозондаги “Сабоҳ” ва “Умид” босмаҳоналари эгаси Ҳабибраҳмон Забиров ҳам кўп нусхада чоп этган ва бу нусхалар Татаристондан ташқари Русия ҳамда Ўрта Осиёдаги бошқа мусулмон ўлкаларида ҳам кенг тарқалган эди. Октябр инқилобидан кейин эса бу босмаҳоналар беркитиб ташланди. Орадан ўн беш йил ўтиб, 1932 йили Қозонда ғалати жиноий иш фош этилди: “Қозон шаҳридаги буржуа миллатчи унсурларни бирлаштирган Татаристондаги Султон Галиев ташкилоти филиали бир гуруҳ кадрларининг аксилинқилобий фаолияти ҳақидаги иш”ни тергов қилиш чоғида “чидаб бўлмас” жиноят

очилди: Қозоннинг Комил Ёқуб номли босмаҳонасида Куръони каримнинг қуйма қолиплари топилди. Бу ҳамма масжидлар ёпилган, диний китоблар йўқ қилинган, муллалар ҳайдалган ёки таъқиб этилган ўлкада Совет ҳокимиятининг ўн беш йиллигига фаройиб совға эди. Маълум бўлишича, Ҳабибраҳмон Забиров “Сабоҳ” ва “Умид” ёпилганидан кейин ҳукумат бир кун келиб яна Куръонни чоп этишга ижозат беради, деган умидда Куръони каримнинг қуйма қолипларини яшириб қўйган экан. Бу ҳам камлик қилгандай, Маориф Халқ Комиссарлиги ҳайъатига Куръонни ўз босмаҳоналарида чоп этган ўша қолиплар асосида қайта нашр этиш таклифини ҳам киритган экан. Забировнинг лойиҳасига кўра, Куръоннинг бор нусхасини Татаристон ва Бошқирдистонни истисно қилган ҳолда, асосан, хорижга ва Совет Иттифоқининг миллий ўлкаларига тарқатиш мўлжалланган эди. Аслида, татар ноширининг бу таклифида жон бор эди. Чунки Куръони каримнинг Қозон босмаси ҳарфларининг очиқ-ойдинлиги ва аниқлиги билан бутун мусулмон оламида шуҳрат топган ҳамда Советларга катта даромад келтириши мумкин эди. Ўрни келганида шун ҳам айтиш зарур, татар устаси Муҳаммад Идрисий ишлаб чиққан ёзув машинкасининг арабча ҳарф қолиплари кейинроқ Совет давлати томонидан араб мамлакатларига сотилган ва Шарқда машҳур бўлиб кетган.

Аммо ҳамма ёқда “халқ душманлари” тўлиб-тошган ўттизинчи йилларда тижоратфойда ҳақида гапириш ўринсиз эди. Суд Ҳабибраҳмон Забировнинг интилишларини “муносиб” баҳолади: у ўзининг “фойдали таклифи” учун чекка шимолда ўташ шарт билан беш йил қамоқ жазосини олди.

Куръони каримнинг Қозон босмаси тарихи бу билан тугамайди. Ҳозир у дунёнинг кўпгина мусулмон ўлкаларида қайта-қайта чоп этилмоқда ва минглаб-милёнлаб мусулмонларнинг Аллоҳ каломини билан ошно бўлишларига имкон яратмоқда. Русия диёридаги илк босма китоблардан бўлган Қозон босма Куръоннинг турк-татарларни Ислом асослари билан таништиришдаги аҳамиятини, бу соҳада татар матбаачилари ва ноширларининг хизматларини муносиб баҳолашга эса сўз бойлигимиз камлик қилади.

Озод ОХУНОВ,

*Татаристон Республикаси Фанлар академияси
Татар қомуси филиали катта илмий ходими,*

www.islam.ru



Абдуллоҳ ҳожи АБДУЛҚОДИР

Тушларимда уни тинглайман

Номақбул фарзанд

Дўстимнинг отаси, табаррук инсон,
Бетоб деб эшитдим, жўнадим шу он.
Яёв етиб келдим айна тонготар,
Беморнинг ҳоли танг, инграниб ётар.

Зўр-базўр сўзлашдим, сўрдим ҳол-аҳвол,
Ўғлидан шикоят айлади изҳор:
Бир ойдан ошдики, хабар олмайди,
Билмадим не сабаб, нечун келмайди?

Дўстимни топмадим ўша кунни ҳеч,
Топганимда лекин бўлган эди кеч...
Яна хабар олдим икки кун ўтмай,
Халойиқ тўпланган жанозага шай.

Дўстимнинг эғнида қора тўн, белбоғ,
Бўзланиб йиғларди, чекарди оҳ-воҳ.
Мен унга юзланиб дедим: Жўражон,
Халойиқ кўзида бўлдинг "қаҳрамон".

Биламан, энди сен одамлар учун
Уч, етти, йигирма... қора ош қирқ кун
Тугунлар тугасан, пуллар сочасан,
Аммо гуноҳингдан қайга қочасан?

Отанг сени кутди интиқ-интизор,
Пешонам силар деб кутди умидвор.
Сўнг нафас ёнида бўлмадинг нечун?
Сенинг ҳам бошингга тушар шундай кун.

Сезмас эканман

Болалик чоғларим ҳамон ёдимда,
Суяр, эркаларди онам бечора.
Бошимни муборак кўксига босиб,
Кўз тегмасин дея дуо қилганда
Онамнинг меҳрини сезмас эканман.

Болалик чоғларим, шўхлик авжида,
Кетаман сўрамай кўчага чиқиб.
Оҳ! Онам бечора кўприк устида

Йўлимга термулиб зор-зор кутганда...
Онамнинг меҳрини сезмас эканман.

Кичкина укамни юпатмоқ учун
Тунлар уйқу нима билмай, беором,
Борлиқни тўлдириб меҳрли, маҳзун,
Ғамгин нола чекиб алла айтганда
Онамнинг меҳрини сезмас эканман.

Тушларимда ҳамон уни тинглайман,
Вужудим роҳатда, тўйиб йиғлайман.
Онамнинг бағрига бешик ботганда,
Шу зайл кунлару ойлари ўтганда
Онамнинг меҳрини сезмас эканман.



Ичкилик

Одамизот наслига солгай жафони ичкилик,
Ҳам жафою ҳам низою можарони ичкилик.

Ким ружу қилса мудом кайф-сафо орзуйида
Солгай анга дард-алам — бедавони ичкилик.

Ёш-ялангми ўрта ёш, хавфи кўпдур бегумон,
Фурсат ўтмай дол этар қадди расони ичкилик.

Гар бунингдек кори бад бўлса хотин одати,
Йўқ қилур ҳаёнию аҳд-вафони ичкилик.

Баъзи тўйлар васфини қилсам агар, шармандалик,
Кўзғатур тўйхонада мотамсарони ичкилик.

Ушбу йўлга кирсалар Рустаму шер Фарҳодлар,
Мажруҳ айлаб, тутқазур қўлга асони ичкилик.

Неча ёшлар кетдилар бу касофат дастидан
Қақшатар хеш-ақрабо, ота-анони ичкилик.

Нечалари чалажон, майиб-мажруҳ гўдаклар,
Кўп етимлар бошига солди ғавғони ичкилик.

Ичкилик оғу экан, оғудан ҳам баттар экан,
Кўйдирур имоннию икки дунёни ичкилик.

Ушбу иллат кимда бор, тавба қилсин Раббига,
Одатини ташласин, кўпдур зиёни ичкилик.

Ичкиликни йўқ қилурга етди фурсат, Абдуллоҳ,
Ким қулоқ олмас экан, бергай жазони, ичкилик.

Укўприк



Султон ЭРГАШ

Ўлимни эсламоқ банданинг бурчи



Дўппи

Ўзбекнинг дўпписи бу, бағрида бошим турар,
Оппоқ сочу манглай тер, етмиш беш ёшим турар.
Фаҳрим шуки, ўзбекман, меҳнаткаш эл ўғлиман,
Яхшилиқ, эрк шиорли, инсоф-имон туғлиман.

Ўзбекнинг аёллари дўппи тикар нур ила,
Нақш солар қалбдаги покиза сурур ила.
Ҳар қатим тортганида бир куй қўшиб тикади,
Дўпписи — "дала"сига гулчечаклар экади.

Дўппида акс этгандир онам умр йўллари,
Қадоқ, қонталаш ҳолда игна туган қўллари.
Бошимдаги дўппимдан онам иси таралар,
Битмай ўтди волидам қалбидаги яралар...

Боболарим бир умр суйиб дўппи кийдилар,
Ёлғон сўз, қинғир ишдан ўзларини тийдилар.
Онам тиккан дўппилар юксак юлдузим менинг,
Ўзбекнинг азиз боши — мунаввар юзим менинг.

Ёш қалқиди кўзимда

Ёш қалқиди кўзимда, топдим яхши инсонни,
Кўрдим унинг қалбида поклик — нури имонни,
Ибодатда қоимдир, сийлар келган меҳмонни,
Ортимда қолса дейман шундай яхши насллар.

Самимий, очиқ чеҳра, эзгуликнинг ҳабиби,
Ёмонликдан қайтарар, фосиқларнинг табиби,
Аллоҳ ўзи дўст бўлсин, нажот бўлсин насиби,
Ортимда қолса дейман шундай яхши насллар.

Ўтиндан кул, гулдан гул қолгай дерлар дунёда,
Кулдан не наф? Тўзиб кўз очирмайди сабода,
Гулдан ифор уфурар, боғ яйрар хуш навода,
Ортимда қолса дейман шундай яхши насллар.

Не ҳам қолди умрдан? Яхшиларга ҳамдам бўл,
Яхши-ёмон кунда ҳам ёнида тур, узат қўл,
Гарчи Султон эрсанг-да, яхшиларга хизмат қил,
Ортимда қолса дейман шундай яхши насллар...

Қарилик

Қариликка ким етди, ким етмади,
Қора чоҳдан ҳеч ким сакраб ўтмади.
Имон ҳамроҳ, Расул раҳбар ва йўлчи,
Ўлимни эсламоқ банданинг бурчи.

Тунлари нам тортиб қолар ёстигинг,
Қалба иқроринг бор, тилда тасдигинг.
Шукр айлаб, Аллоҳга этсак илтижо,
Ажабмас, юз ёшни айласа раво..

Танда мадор йўқдир, хирадир кўзлар,
Ҳатто тиллар ялқов, мужмалдир сўзлар.
Буйруқни "менсимас" чарчоқ оёқлар,
Оёқларга тиргак қўлда таёқлар.

Биримиз мўйсафид, соч-соқол оппоқ,
Биримизда ҳамон ёшлиқ ҳовури.
Ҳайқиргум: саждага бошинг қўйгил тезроқ,
Ўтказма умрингни елга совуриб...

Чеҳранг ёруғ бўлсин, кулсин мийиғинг,
Белингни маҳкам тут, боғла қийиғинг.
Оғритма дилларни — Каъбани бузма,
Бошқаларга зулм режасин тузма!

Қилсалар ҳам майли сенга ёмонлик,
Сен уларга тила инсоф, омонлик.
Сенга мадор бўлар, қолмайсан толиб —
Яшайвер ёшларни бағрингга олиб...



Сен отангни ранжитма

Гўёки олам нурсиз, кўнгил меҳрсиз қолди,
Жудо бўлди онангдан — отанг тинчи йўқолди,
Дарду йиғиси пинҳон, сен отангни ранжитма.

Ажал ели сўндирди қаро тунлар шамини,
Тоғдай уйиб қошида соғинч, фироқ гамини,
Зулматда зору нолон, сен отангни ранжитма.

Қаттиқ гап эмас, ҳатто тугмаси тошдай ботар,
Ийманар келинидан, кирга ботар, совқотар,
Қалби дарз кетса ёмон, сен отангни ранжитма.

Қизлари ҳаяллади — набира кучмоққа зор,
Миннат ўқини отма, қалби бўлгай ярадор,
Сабрли бўлгин, ўғлон, сен отангни ранжитма.

Ота рози — Ҳақ рози, қолди умрининг ози,
Дуосини олиб қол, шудир ишнинг энг сози!
Қилмай десанг пушаймон, сен отангни ранжитма.

Тошкент

Хабарингиз бор, "Ҳидоят"нинг 2005 йил 11-сонида «"Мармар"у "аштархон" қани? "Олмаки"ю "Ўзбекистон" қани?» деган мақола эълон қилинган, унда генетика фанининг кейинги давр кашфиётлари, ҳар хил мавжудот ирсларини чаптиштириб етиштирилган турли маҳсулотлар ва улар билан боғлиқ бир қанча муаммолар тилга олинган эди. Мақола ўқувчилар орасида қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Шундайича, "Қишлоқ ҳаёти" газетасида 2006 йил 21 январ сонида "Текин пишлоқ қопқонда бўлади" номи билан чоп этилди. Ўзбекистон радиосининг Ёшлар каналида мутахассислар иштирокида икки бор (2006 йил 14 ва 21 феврал кунлари) муҳокама қилинди. "Ҳидоят" тахририятига ҳам ҳар хил шаклда мурожаатлар бўлди. Жумладан, биология фанлари доктори, профессор Муҳсин Валихонов муносабат мақоласини олиб келди. Хуллас, кўтарилган мавзу долзарб экани, алақачон пишиб этилгани маълум бўлди. Шу боис ушбу сонда мунозара-муҳокамани давом эттиришга қарор қилдик. Профессор Муҳсин Валихоновнинг мақоласини ҳамда унга жавобан, рус матбуотларида турли йиллар шу мавзуда эълон қилинган материаллардан парчаларни ҳужмингизга ҳавола этаётимиз. Келгусида бу масалага бевосита мутахассислар, мутасаддилар ва кенг жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини билдирадидлар деб умид қилиб қоламиз.



ИРСИ ЧАТИШТИРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ЗАРАРЛИМИ?

Замон мазкур масалага кенгроқ қарашни тақозо қилади. Аҳолининг тез ўсиб, унумли ерларнинг кескин камаяётгани олимлар олдига мевасабзавот етиштиришнинг янгича усуллари ахтариш масаласини кўндаланг қўйди. Тарихдан маълум, қадимда одамлар ёввойи ўсимлик ва ҳайвонлардан йиллар давомида хонаки турларини етиштирилган. Бу ҳодиса биология фанида ҳайратланарли, мўъжизавийдир. Ибтидоий "селекция"ларга ҳарқанча таҳсин айтсак, оз.

Охирги йилларда илм-фанда кескин юксалиш рўй берди. Хусусан, биологияда янги соҳа бўлмиш ҳужайра инженериясининг қўлланилиши натижасида ўсимлик ва ҳайвонларнинг ирсияти чаптиштирилган (трансген) турлари яратилди.

Ғарбда ўсимлик геномини ўрганиш ва шу асосда мақсадга мувофиқ фойдаланиш, жумладан, оқсил, углевод, мой ва биологик фаол моддаларни ишлаб чиқаришда "биофабрика" сифатида фойдаланиш йўлга қўйилган. Бир сўз билан айтганда, ўсимлик ҳужайраси инсон учун керакли бўлган озиқ-овқат, уларнинг қўшимчалари, дори-дармон ва бўлак моддаларни олиш учун "реактор" бўлиб хизмат қилапти.

Молекуляр биология фани ҳужайрадаги бирор моддани синтезлайдиган генларни фаоллаштириш ва бўлак генлар иш жараёнини вақтинча тўхтатиш усуллари билан қуролланган.

Йилдан-йилга дунёда ирси чаптиштирилган маҳсулотлар (ИЧМ) кўпайиб бормоқда. Жумладан, ер юзиде етиштириладиган соянинг 75 фоизи ва маккажўхорининг 30 фоизи ирси чаптиштирилган ўсимлик ҳисобланади. Ўсимлик

ҳужайрасидаги генларнинг бир неча сони ўзгарган бўлса, булар биринчи даражали геноми ўзгарган саналади, генлардан фақат битта-рага киритилган бўлса, булар иккинчи даражали геноми ўзгарган ҳисобланади. Геноми иккинчи даражали ўзгарган ўсимлик навлари инсон учун фойдали деб топилган. Ҳозирги кунда дунё қишлоқ хўжалигида саксон бир хил геноми ўзгартирилган ўсимлик етиштирилмоқда.

Савол туғилади: матбуотларда эълон қилинаётганидек, гени ўзгартирилган ўсимлик мевалари ҳақиқатдан зарарлими? Геноми ўзгартирилган ўсимлик ҳосилларга парчалаб, атроф-муҳитга, ижтимоий-иқтисодий ҳаётга жиддий хавф туғдиради дейишга асос борми?

Мана ўн-ўн беш йил бўлдики, Америка, Оврупа бозорларида ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларининг гени ўзгартирилган турлари сотилмоқда. Инсоннинг ошқозон-ичак тизими табиий ёки гени ўзгартирилган маҳсулотни ферментлар орқали таркибий қисмларга парчалаб, керакли қисмини ўзлаштириб, ортиқчасини парчалайди ёки ташқарига чиқаради. Демак, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини ҳужайраамиз ҳам назорат қилади. Бундан ташқари, гени ўзгартирилган ва гибрид ўсимликлар муайян фирмаларнинг ўзида кимёвий таркиби, инсон саломатлигига, ирсиятга, атроф-муҳитга таъсири ҳартомонлама ўрганилиб, улардан хавф туғдирмайдиган навлари бозорга тавсия этилади. Тавсия этилган уруғлар айнан шу мамлакатнинг марказлашган илмий шаҳобчалари назоратидан ўтади. Республикамизга келтириладиган сабзавот уруғлари божхоналарда ҳам мутахассисларнинг текширувидан ўтиб, мазкур фирманинг Ўзбекис-

ИЧМ ҲАҚИДА ДУНЁДА НИМА ГАП?

(Чет эл матбуоти мисолида)

Юлия БОРТА. "Трансгенные продукты: есть или не есть?"

"Дарвоқе, ирс инженерлигининг клонлашга алоқаси йўқ. Бунда бундай бўлади: ирс (ген) олинади, хужайра қаторига қўйилади, сўнгра бу хужайра кўпаяди ва киритилган маълумотни (янгиликни) тарқатади. Бир нарсани ҳисобга олиш керак: ўзгартирилаётган организмнинг ДНКсига киритилаётган ирслар турли-тумандир. У бошқа ўсимликники, ҳайвонники,

бактерияники, вирусники ва ҳатто одамники бўлиши мумкин".

Россия ФА "Биоинженерия" марказининг директори академик К. Г. Скрябин айтишича, ирс инженерлиги билан шуғулланадиган мутахассислар ИЧМ зарарсиз эканини билишади. **Аммо битта ирсни кўчириб ўтказишнинг кутилмаган оқибатлари бўлиши назарий жиҳатдан эҳтимолдир.**

"ИЧМни озик-овқат саноа-

тида хомашё сифатида кенг ва кўп фойдаланиш бор-йўғи бешолти йил илгаридан бошланди. Ўттиз-эллик йилдан кейин нима бўлишини бугун ҳеч ким юз фоиз ишонч билан айтолмайди. Албатта, кўчма ирсли маҳсулотларни еб биз мутант ё монстр бўлиб қоламиз, дегандек хавотирлар, юмшоқ қилиб айтганда, сал ошириб юборилган. Лекин бундан мантиқлироқ асос ҳам бор. Масалан, янги тиббий ва биодори-дармонлар узоқ йил-

тондаги вакиллари томонидан тажриба майдонларига экилиб, синовдан ўтганлари деҳқонга тавсия этилади. Ўзбекистонда худди шундай тизим йўлга қўйилган. Тўғри, ўсимлик мевалари ичида аччиқ, ўта нордон, тахир, заҳарлилари ҳам бўлганидек, ген инженерлиги ва гибрид орқали етиштирилган маҳсулотлар ичида ҳам хавф туғдирадиган навлари чиқиб қолиши табиий ҳол. Бу ҳолда маҳсулотларни назорат қилувчи генетик ташкилотлар хулосаларини тезда эълон қилишлари зарур.

Мамлакатимизга четдан, жумладан, Голландиядан келтирилаётган сабзавот уруғларидан ҳозирча воз кеча олмаймиз, чунки маҳаллий сабзавот ва полиз навлари экологик ҳолат ва тупроқ муҳитининг ўзгаргани ҳамда ҳар хил касалликлар кўпайгани туфайли ҳосили жуда пасайиб, бозор рақобатига дош бера олмай қолди. То ўзимизнинг селекциячи, генетик олимларимиз сермаҳсул, касалликка чидайдиган, кўриниши жозибали, рақобатбардош маҳаллий навларни етиштиргунча чет эллардан уруғлар олишга мажбурмиз.

Яна бир гап: Голландиядан келтирилаётган уруғлар гени ўзгартирилмаган бўлиб, улар гибрид усулида ёввойи авлоди ва маҳаллий навлари билан чатиштирилган дурагайлардир ва улар минг йилдан бери янги навларни етиштиришда қўлланиб келаётган анъанавий селекция усули билан яратилган. "F-1" деб ёзилишига сабаб биринчи авлодининг ҳосилдорлигига кафолат берилишидир. Кейинги авлодларда, Мендел қонунига асосан, ирсий белгилар ажралиши натижасида ҳосили биринчи авлоддай

бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ўсимликни янги нав даражасига етказиш учун бир неча йиллар давомида селекция тажрибаларини олиб бориш зарур. Лекин айрим тажрибали деҳқонлар мазкур уруғлардан кейинги авлодларда ҳам худди биринчидагидек ҳосил берадиган уруғлар олишаётгани ҳам маълум. "F-1" ирсиятга таъсир қилиб, одамни бепушт қилиши мумкин, деган тахминларга асос йўқ.

Гени ўзгартирилган ўсимликнинг маҳсулотлари зарарли деган фикрларни Фарбда бозор иқтисодига асосланган рақобатчи фирмалар ўртасидаги мунозара деб тушунамиз.

Маълумки, Оврупа деҳқонлари катта ерда эмас, баки кичик экин майдонларида экстенсив ишлаш асосида яхши натижаларга эришиб, Америка бозори билан бемалол рақобатлашмоқда. Америка уруғларни ген инженерлиги асосида етиштириб, трансген ўсимлик маҳсулотига асосий урғу бераётган бўлса, Оврупа олимлари ўсимлик уруғларини дурагайлаштириш (гибридлаш) асосида етиштиришни яхши йўлга қўйишган.

Шундай қилиб, дунёда ген муҳандислиги, трансген ўсимликлар, биотехнология усуллари ядро энергиясига ўхшаб улкан жараёнга айланган. Бу жараёнга Ўзбекистон олимлари ҳам янги самарали навлар ва зотлар етиштириш билан ҳиссаларини қўшадилар деган умиддамиз. Чунки генетика ва биотехнология соҳасида Ўзбекистонда истеъдодли, ёш, умидли олимларимиз етарли даражада топилади.

Муҳсин ВАЛИХОНОВ,
биология фанлари доктори, профессор

лар ҳайвонларда текширилганидан кейингина одамларга тавсия этиларди. Кўчма ирсли (трансген) маҳсулотлар ўзи яқиндагина яратилганига қарамай, бозорга чиқиб кетди ва аллақачон юзлаб номдаги маҳсулотларни қамраб олди. ИЧМга қаршилар бундай маҳсулотларнинг хавфсизлигини аниқлаш усуллари ҳам шубҳа билан қарашади. Хуллас, жавобсиз саволлар ҳали бор".

Россия Истеъмолчиларни химоялаш миллий жамғармасининг бош директори академик А. Я. Калинин: "Бунақа (ИЧМ) маҳсулотларнинг истеъмоли одамга таъсири бир неча ўн йиллар кейин, келгуси авлодда кўринадими? Ҳозирда бу саволга қатъий салбий далил ҳам, мусбат далил ҳам йўқ... Лекин истеъмолчининг танлаш ҳуқуқи бор: хоҳласа, Голландиянинг кўчма ирсли памилдорсини сотиб олади, хоҳласа, Краснодар памилдорисининг бозорда пайдо бўлишини кутади. Ёки попкорнни еяверади, ёки Кубан далаларида етиштирилган маккажўхорини қайнатиб ейди".

("АиФ Здоровье", 2003.17.07. 29-сон).

Татьяна КОСТИКОВА. "Помидор+ген в нагрузку".

"Расмий илм улар (ИЧМ)-нинг зарарини тасдиқлай ҳам олмайди, инкор ҳам этолмайди"...

Россия Қишлоқ хўжалиги академиясининг Ўсимликларни биохимоялаш илмий текшириш институти заҳарли микроорганизмлар (махлуқотчалар) ва биохавфсизлик лабораторияси мудири **Олег Монастирский** кўчма ирсли ўсимликлар ўзининг одатдаги моддалар алмашинуви ни ўзгартиради ва одамга заҳарли бўлган моддалар вужудга келтириши мумкин деб ҳисоблайди. Аммо уларнинг одамга зарарли таъсири характерини аниқлаш ҳозирча жуда қийин.

Шунинг учун ИЧМни асосий ишлаб чиқарувчи бўлган АҚШда, Канада ва Лотин Америкаси, Оврупа иттифоқи мамлакатларида бундай ўсимликлардан олинган озиқ-овқат маҳсулотларига мажбурий белги қўйиб сотиш жорий этилган. Бу талабни қаттиқ текшириб туришади ва қоида бузилса, катта жарималар билан жазолашади. Ҳозир Оврупа Иттифоқи мамлакатлари судларида "Макдоналдс"ни маҳсулотларида ирси частиштирилган қўшимчалар борлиги, аммо бу ҳақда огоҳлантириш бермагани учун айблаб, йигирмага яқин катта даъво иши очилган..."

Кўчмаирсли маҳсулотлар бозори дунёда энг бой — йилига 20 млрд. доллар пул айланади. Бу бозорда учта халқаро ширкат эгалик қилади. Фирмалар биринглиз олимни ишдан ҳайдашди, сабаби, у каламуш устида олиб борган тадқиқотининг

натижаларини эълон қилиб юборган эди. Унга кўра, **ирси частиштирилган картошка билан боқилган каламушда тез-тез ошқозон ўсмаси пайдо бўлган, эндокрин тизимида бузилишлар ва насл қолдириш масаласида муаммолар пайдо бўлган.**

Эҳтимол, келажакда ирсият инженерлиги жуда ривожланиб кетар. Лекин бугун у илмдан ҳам кўра кўпроқ тижоратга хизмат қиляпти. Шундай экан, ирси частиштирилган маҳсулотлар турли тўғри-қинғир йўллар билан бизга чегарадан ўтиб келаверади (ўзимизники ҳозирча йўқ). Бундай шароитда (Россия) Бош санитар дўхтирининг уларнинг ёрликларига махсус белги қўйиш лозимлиги тўғрисидаги талаби жуда оқилонадир. Фалокат шундаки, бу талаб бажарилмаяпти".

("АиФ" 2001 й. 24.10. 43-сон).

Юлия ЭКАРЕВА, Ольга ИЗБЕКОВА. "Тены против колорадского жука".

"Лекин лоақал тажриба-синовда биз ҳам қатнашаётганимизни билишимиз керак".

ИЧМлардан тозаланган соя ёғи, соя лецитини, тозаланган маккажўхори ёғи, маккажўхори крахмали каби маҳсулотларда махсус ёрлиқ бўлиши шарт эмас. Аммо қуйидаги маҳсулотлар махсус белги билан билдирилиши лозим:

Соя. Соя уни ва бу ундан тайёрланган маҳсулотлар, сут ўринбосари (соя сути) ва бундай сутдан тайёрланган маҳсулотлар (тофа, ивителинган ичимликлар, музқаймоқ, майёнез), қуруқ сут ўринбосари, соя боблари, соя қайласи (соуси), беркитилган соя.

Маккажўхори. Маккажўхори уни, ёрмаси, бодроғи (попкорн), музлатилган ва беркитилган маккажўхори, маккажўхори чипсиси.

Картошка. Овқатга доим со-



линадиган картошка, картошкадан тайёрланган яримпишириқлар, бўтқаси, кирсилдоқ чипси.

Памилдори. Овқатга солинадиган памилдори қайласи, бўтқаси, соуслар, кетчуплар, суви, ичимликлари".

("АиФ Здоровье" 2003 й. 26.06. 26-сон).

Юлия БОРТА. "Кому нужны трансгены".

" — Кўплаб далиллар ирсларни ўзгартиравериш ҳайвон саломатлигига зарарли таъсир этишини исботлаб турибди. Бу далилларни нафақат бизнинг институтимиз топган, бунақа тадқиқотлар бутун дунёда олиб бориляпти ва натижалари матбуотда очиқ эълон қилиняпти, истеъмолчилар негадир бу маълумотлардан хабарсиз, — деб ҳикоя қилади биология фанлари доктори, Бутунроссия наслчилик илмий текшириш институтининг ДНК технологиялар лабораторияси мудирини Любов Александровна Калашникова. — Кўчмаирсларда модда алмашинуви, лаёқат мартабаси (иммунний статус), гармонал кўриниши, аъзолар ва тўқималарнинг биохимик таркиби бошқача бўлади. Лекин энг асосийси — **ирси ўзгартирилган ҳайвонларнинг ҳаётга лаёқатлилиги ва уруғланиши суист бўлади — насл қолдиришни хоҳлашмайди.** Биолог учун мана шу икки нуқтанинг ўзиёқ бу ҳайвон соғлом эмас, касал, дейишга кифоя қилади. Ким касал ҳайвон гўштини ейишни хоҳлайди? Ҳайвоннинг гўштини ё сутини овқатга ишлатиш учун у мутлақо соғлом бўлиши керак. Ҳозирда бор ДНК технологияларнинг ҳеч бири мутация йўқлигига кафолат беролмайди. Генотип (ирс)да кўплаб ўзгаришлар содир бўлади. Ҳолбуки, ақалли битта нуклеотид, битта

ўрин ўзгарса, бу ҳодиса ҳайвонларда бўлгани каби одамларда ҳам қалтис оқибатларга олиб келиши мумкин...

...Ичимизга овқат билан бирга кирадиган бегона ДНКга келсак, ҳақиқатан у ошқозонда парчаланиб кетади. Аммо бутунлай эмас, қанақадир қисми биологик фаоллигича қолиши мумкин. ДНКнинг ўзи шундайича хавфли эмас, балки ундан пайдо бўлган маҳсулот — гармон табиатли оқсил, инсектицид, қандай ирс кўчириб ўтказилганига қараб яна кўп нарса хавфлидир. Масалан, киритилган ирс кўчма ирсли картошкада инсектицидларнинг юзага келишига хизмат қилади ва шу модда бўлгани учун уни колорадо қўнғизи емайди. Дарвоқе, устидан капалаклар ҳам учмай қўяди. Аммо ёдингизда бўлсин: картошка паллагига колорадо қўнғизидан асраш учун инсектицид сепсангиз, кейин қойдага биноан, бу кимёвий модданинг парчаланишини, йўқолиб кетишини кутардингиз. Унгача бу картошкани емасдингиз. Энди тасаввур қилинг: ўша инсектицид картошканинг ўзида, ичида ва доим туради, қанча сақласангиз ҳам, ҳеч қаёққа йўқолмайди. Шуни егингиз келадими? Касаллик келтириб чиқарадиган бактерияларга, вирусларга яхшироқ қаршилик кўрсатишлари учун организмларнинг ўзида пайдо бўладиган антибиотикларни, вирусга қарши дориларни ейишни хоҳлайсизми?

Албатта, экологик хавф бор..."

("АиФ Здоровье" 2004 й. 13.05.20-сон).

Ҳозирча бу мунозарадан хулоса чиқаришни ҳар кимнинг ўзига қолдирамиз. Аммо бу билан мавзунини ёпмаймиз. Фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.



Ғарб ва Ислом муносабатлари

Жамоатчилик фикрини ўрганувчи Гэллуп (Gallup World Poll) компанияси яқинда Мароқашдан Индонезиягача бўлган улкан ҳудуддаги мусулмонлар ўртасида сўров ўтказди. Мана, унинг натижалари нимадан гувоҳлик берапти:

Ғарб жамиятлари араблар ва мусулмон дунёси билан муносабатларни яхшилаш учун нима қилишлари керак, деган саволга сўралганларнинг асосий кўпчилиги (Эронда 47 фоизи, Саудия Арабистонида — 46, Мисрда — 43, Туркияда — 41) ғарбликлар Исломни кўпроқ тушуниб, унга ҳурмат кўрсатишлари, сарқит фикрларга камроқ ўралашишлари ва мусулмонларнинг қадриятларини камситмасликлари керак, деб жавоб қилган. Айни пайтда кўпгина мусулмонлар Ғарб ҳазораси эришган ютуқлар ичида техника тараққиёти, шунингдек, фуқаро эркинликлари қойил қолдиришини таъкидлашган. Мусулмонларнинг мутлақ кўпчилиги (Мисрда — 94, Бангладешда — 97, Ливанда — 98 фоизи) мамлакатлари конституцияларига сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича фикрларини бемалол изҳор қилиш имконияти сифатида сўз эркинлиги ҳақидаги моддани кўпиш ҳақида тақлиф киритган.

Islam Online



НАЗМ АСЛИ НАСИҲАТДИР

"Шоирларга йўлдан озганлар эргашур"
(Шуаро, 224).

Исломгача ҳам арабларда фасоҳат ва балоғат билан сўзлаш кучли эди. Шеър битиш, бирор кишини кўкларга кўтариб мақташ ёки ерга киргудай танқид ва ҳажв қилиш борасида кимўзарга беллашишар, ҳатто махсус мусобақалар ўтказиб туришар эди.

"Уларнинг (сўз водийларидан) ҳар водийда дайдишларини (яъни, ўзларига ёқиб қолган энг тубан кимса ёки нарсаларни ҳам кўкка кўтариб, ёқтирмаганларини тупроққа қоришларини) ва ўзлари қилмайдиган нарсаларни айтишларини кўрмадингизми?!" (Шуаро, 225–226)

Мазкур мазмунли ояти каримада ҳар сўз водийида дайдийдиган, ўзлари қилмайдиган нарсаларни айтадиган шоирларнигина қораланмоқда. Шахсиятлари субутсиз, диллари имонсиз, ҳаётлари ва хулқлари ёзганларига тескари бўлган шоирлар ўзлари уддалай олмаган ишларга бошқаларни чақирганлари учун ҳам ёлғончидирлар. Шоир ижодининг мағзида пок имон, томирларидан сизиб чиқмас экан, шеърини холислик, эътиқод, самимият нурлари ёритмас экан, унинг ёзганлари эзгуликка хизмат қилмайди.

Шу ўринда асарлари билан инсоният тарихига шоҳ сатрларни битган Абдурахмон Жомий, Жалолиддин Румий, Абдулқодир Бедил, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Муҳаммад Фузулий, Бобораҳим Машраб каби атоқли шоирларнинг ижоди ҳақида нима деймиз, деган савол тугилиши табиий.

Бу саволга жавобни ҳам Қуръони каримдан топамиз. **"Магар имон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда доим Аллоҳни ёдда тутган ва (илгари) мазлум бўлганларидан кейин (Ислом зафар топгач) ғолиб бўлган кишилар (яъни шоирлар йўлдан оздиргувчи эмаслар)"** (Шуаро, 227).

Дарҳақиқат, мумтоз шеърятимизнинг буюк сиймолари имон-эътиқодда, Исломда собит бўлганини, асарларини меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан, ҳамду сано, салавоту дурудлар билан бош-

лаганини кўрасиз. шеърларида Аллоҳнинг зикри, У зотга бўлган ишқ-муҳаббат, инсонларни ҳидоятга, яхши ахлоққа, эзгуликка чорлаш каби исломий ғоялар асосий ўлчов бўлганини кўрасиз.

Масалан, ҳазрат Навоийнинг "Хазоинул маоний"га кирган биринчи девони "Бадоибул бидоя" куйидаги гўзал байт билан бошланган:

**Ашрақат мин акси шамсил каъси анворул худо,
Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқди садо.**

Маъноси: қуёш косасида ҳидоят нурлари акс этиб порлади, жомдан "ёр аксини майдан топасан", деган садо чиқди. Демак, борлиққа ҳақиқий ҳаёт бахш этувчи нур ҳидоят нуридир, бу нур борлиқ қалбининг қуёши, имон нуридир, Аллоҳнинг нуридир. Май Аллоҳга бўлган ишқ тимсоли. Май билан лиммо-лим тўла жом Аллоҳнинг ишқи билан тўлиб-тошган инсон қалбидир. Ёр (Аллоҳ) жамоли Унга бўлган ишқда акс этади.

Ислом дини келгач, имон билан куфр, ҳақ билан ботил иккига ажралиб қолгани каби, "ёлғончи, ҳар водийда дайдувчи, тили ва дили турлича" шоирлар билан қалбида Аллоҳга чексиз муҳаббати бўлган, имони пок, ақидаси соғлом, эътиқоди қатъий, инсониятни Аллоҳнинг йўлига даъват этувчи, яхшиликка чорловчи ҳақиқий шоирлар ҳам фарқланди.

Пайғамбар (алайҳиссалом) ҳам Аллоҳ таоло зикридан, илм-маърифатдан, ҳидоят йўлидан (яъни, Қуръондан) чалғитадиган шеърни ниҳоятда қоралаганлар. Эътиқодга зид бўлгани учун жоҳилият даври шоирларини куш кўрмаганлар ва уларни "жаҳаннамга етакловчи йўлбошчилар" деб таърифлаганлар. Чунки улар асосан шахвоний ҳисларни жунбушга келтирадиган ишратни тараннум этадиган, ичкилик (хамр) ичиб, мастликларини улуғлайдиган шеърлар ёзишарди. Ҳатто "хамрия" деган махсус назмий жанр ҳам бор эди.

Аммо Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) атрофларида исломий шеърятнинг тамал тошини қўйган Ҳассон ибн Собит, Каъб ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Равоҳа, Абдуллоҳ ибн Забъарий каби хассос сўз усталари, етук шоир саҳобийлар ҳам бор эди.

Абу Салама ибн Абдурахмон ибн Авф ривоят қилган, Абу Ҳурайра саҳаҳлигини тасдиқлаган ҳадисда келтирилишича, Расули акрам Ҳассон ибн Собитга қарата: "Эй Ҳассон, илоҳи, Расулulloҳга Рухул Кудс (Жаброил)ни ёрдамчи айлагил, деб (шеър) айт", дея буюрган эканлар.

Ҳассон ибн Собит айна чоқда улуғ саҳобий ҳам эди. Ҳазрати Ойиша (розийаллоҳу анҳо) она-

миз ҳам уни ҳурматлаганлар. Ҳузурларига кирса, алоҳида мурувват кўрсатиб, ҳатто ёстиқ кўйиб берганлар. Буни кўрган баъзи одамлар "Ахир, бу шоир сизга қарши ифк (туҳмат, бўҳтон) воқеасига қўшилган-ку?" деб таъна қилишганида: "Ҳассон Расулуллоҳни ҳимоя қилган эди", деб жавоб берган эканлар. Яна Ойиша онамиз: "Мен Ҳассоннинг шеъридан яхшироқ шеър эшитмадим, қачон унинг шеъридан мисол келтирсам, унга жаннатдан жой берилишини сўраб дуо қиламан", деганлар.

Саҳобий шоирлар Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) энг яқин кишилари бўлишган. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) буюк фатҳ куни туялари Қисвани минган ҳолда Маккага кириб келаётганларида Абдуллоҳ ибн Равоҳа (розийаллоҳу анҳу) туянинг юганидан тутиб, бир қасидани ўқиб келганлар. Ибн Равоҳа шеърларини Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эмас, бошқа саҳобалар ҳам севишган ва қадрлашган.

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) "Абдуллоҳ ибн Равоҳа, албатта, ёмон (нотуғри) сўз айтмайди", деб шоирнинг ушбу шеърини ўқиб берганлар:

*Доимо Аллоҳ Китобин ўқир Ҳазрати Расулуллоҳ,
Қоп-қора тун бағрини юз пора қилган тош гувоҳ.
Кўрсатиб бизга ҳидоят, ҳақ йўлига бошлади,
Биҳамдиллоҳ, кўзлар очилди, бўлмадик гумроҳ.
Мушиқийлар жисмига пар тўшак ҳам ботганида,
Расулуллоҳ танлари қотди тўшаксиз тунлари, эвоҳ.*

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинага келганларидан сўнг масжид қурилиши бошланган. Масжид қурилишида қатнашган Анас ибн Молик (розийаллоҳу анҳу) бундай ривоят қиладилар: "Улар (масжид қураётганлар) катта-катта тошларни ташиётган бир шеърни хиргойи қилишар, Расулуллоҳ ҳам уларга қўшилиб бундай дер эдилар:

"Чин муқофот охира ажри эрур, Раббим, фақат Ансору муҳожирларни айла мағфират!"

Салама ибн ал-Аква ривоят қилганлар: «Биз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга Хайбар томон йўлга чиқдик. Тун бўйи юрдик. (Йўлда) ҳамсафар кишилардан бири Омир ибн ал-Аквага: "Ражазларингдан (ражаз вазнида битилган шеърларингдан) бизга айтиб бермайсанми?" деди. Омир шоир эди, туясидан тушиб, одамларга қарата қўйидагиларни (туякашлар қўшигини) айта кетди:

*Бўлмасан сен, ё Илоҳо, тўғри йўлни топмас эрдик,
Хайру эҳсон ҳам намозни ҳеч қачон билмас эрдик.
Айбимиз мағфират айлаб, азобингдан нажот бер,
Пулсиротда қоқинтирма, висолингни кўрайлик биз,
Қалбимизга ишонч сол, хотири жамъ бўлайлик биз.
Ҳозир нозир эрурмиз қилсалар гар бизга даъват,
Чунки даъват соҳибиди бизга бордур ишонч албат.*

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Бу туябоннинг исми нима?" деб сўрадилар. "Омир

ибн ал-Аква", деб айтишди. Расулуллоҳ: "Унга Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин!" дедилар». Шоирдан рози бўлиб шунчалик олқишлаганларки, одамлар унга ҳавас билан қараб: "Бизга ҳам Аллоҳ таолонинг раҳматини тиласангиз", деб орзу қилиб қолишган.

Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари ҳам баъзи ҳаётий воқеаларни шеърини байтларда лутф қилганлар. Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилдилар:

*"Агар даъват қилинсам қўй қўлига, борғум албат,
Агар ҳадя қилинса қўй қўли, олғумдир албат!",* деб кичик бир нарсани ҳадя қилиш жоизлиги, уни рад қилмаслик лозимлиги ҳақидаги ҳадисни шеърини услуб билан ифода этганлар.

Жундуб ибн Суфён (розийаллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шаҳидгоҳлардан бирида (айтишларича, Уҳуд газотида) эдилар, (ногаҳон қоқилиб кетиб) бармоқлари қонади. Шунда ул зот хитоб билан:

*"Қонини зое оқизган шунчаки бир бармоқсан,
Тўкмадинг қонингни Аллоҳ йўлида бироқ сан!"* дедилар».

Ойиша (розийаллоҳу анҳо) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинага келганларида Абу Бакр билан Билол иситмалаб қолишди. Абу Бакр иситма кучайганида:

*"Уйимда бўлсайдим жон чиқар маҳал,
Пойабзал ипидан яқиндир ажал",* дер эдилар. Билол эса, иситма бир оз пасайганида йиғлаб:

*"Тақдирим не эрур билмасман, э воҳ,
Бошимга ажалдин келурму сипоҳ?
Бир кеча бўлса ҳам, она водийим
Кўйнида ётсайдим, меҳрибон Аллоҳ!
Қошиб ичсам эрдим, шаффоф сувларин,
Қанийди ташласам унга бир нигоҳ!"*

деб ўз аҳволи руҳияларини назмий шаклда баён қилганлар».

Расулуллоҳда (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам, ҳазрати Абу Бакр Сиддиқда ҳам, ҳазрати Билолда ҳам бутун арабларга хос бўлган шеърини иқтидор бор эди. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оддий ҳаётини воқеаларга шеърини лутф қилиш баробарида мажозий тафаккурга ҳам салоҳиятли эдилар.

Хуллас, жоҳилият даври шоирларининг ёзганлари билан саҳобий шоирлар ижодини фақат Қуръони карим оятлари, ҳадиси шариф маъно ва мезонига солибгина фарқлаш ва баҳолаш мумкин.

Дилбар ҚАМБАРОВА,
филология фанлари номзоди

2005 йил 21—26 ноябр кунлари Анқарада туркий халқлар маданияти халқаро олтинчи конгреси бўлиб ўтди. Анжуман "Туркий халқлар маданиятининг дунё маданиятига таъсири" мавзусига бағишланди. Мен "XX аср бошларида ўзбек-турк адабий алоқалари" мавзусида маъруза билан қатнашдим. Кўпгина олимлар билан танишдим. Бир ҳафта давомида қирқ олти мамлакатдан келган олимлар турли бўлимларда уч юздан ортиқ маъруза ўқишди. Ушбу сафар кунлари фақат илмий мажлислар эмас, ибратли воқеа-ҳодисалар ҳам кўп бўлди.

УЙИМИЗНИ БИРОВ КЕЛИБ ОБОД ҚИЛМАЙДИ

Муҳим бир танбех

Жума куни Ҳожи Байрам Вали ҳазратларининг зиёратига бордим. Муҳташам масжидда намоз ўқиб, сўнг атрофни ҳавас билан томоша қилдим. Унинг буюклигига ҳавасим келди. Расмга тушмоқчи бўлдим. Йўлда ўтиб бораётган бир йигитга туркчалаб хорижданман, ёрдам бериб, расмга олиб қўйсангиз, деган мазмунда сўзладим. У менга қараб ҳайратланди. Туйғусини яшириб ҳам ўтирмади: "Сиз қанақасига ёбанжи (хорижлик) бўласиз? Ўй, Туркистон — ота юрт. Сиз ўзимиздансиз. Биз ҳаммамиз бир дарахтнинг илдизлари ва шохларимиз", деди у. Тўғриси, уялиб кетдим. Гапимдан хижолат чекдим. У оддий савдогар ёки бир ишчидир, эҳтимол. Аммо тушунчаси юксак. Туркияда ёшларни қадим Туркистонга, умумтурк маданиятига муҳаббат руҳида тарбиялайдилар. Ватанга, унинг байроғига, миллатга муҳаббат руҳида тарбиялайдилар. Бундай тарбия биз учун нақадар зарур ва муҳим-

лигини ҳар қадамда ҳис қиласиз. Туйғулари, ҳислари мукамал ва тўғри тарбия топган миллатнинг буюк бўлиши табиийдир.

Содиқ дўкончи

Содиқ истараси иссиқ, хушмуомала бир сотувчи йигит. Унинг дўконида кўп нарса бор. Китоб, жойнамоз, совға-саломлар, тасбехлар, рўмоллар ва бошқа нарсалар. Бирор нарса сўрасангиз, дарҳол, бажонидил ёрдам беради. Нарҳини, навини, кафолат муддатини эринмай тушунтиради. Зотан, унинг иши шу. Сизни курсичага таклиф қилади. Бир истакончадан турк чойидан тақдим этади. Дарвоқе, туркларнинг ҳар бир дўкону ишхоналарида бир истакончадан чой узатиш урфга кирган яхши одат.

Содиққа шериги хориж мамлакатада бир дўконча очиш таклифини айтди. Ёлғонми-ростми, ҳазилми-жиддийми — билмадим. Аммо гапни Содиқ жиддий олди. "Менга Америкада гул дўкони очишни таклиф этганлар бўлди. Жарақ-жарақ пул ваъда қилганлар бўлди. Бирпасда бойиб кетишимдан башорат берганлар бўлди. Бироқ мен кўнмадим. Кўнмайман ҳам. Бола-чақамдан айро тушиб, қаерлардадир сарсон-саргардон пул топиб бойиганимдан кўра, шу кўп менга тузук. Бу менинг уйим. Менинг Вата-

ним. Мен ўз уйимда ўз юртимга хизмат қилганим маъқул". Таклиф берувчининг бошқа бир оғиз гапиришига ўрин қолмади. Содиқнинг — оддий бир кичик савдогарнинг тушунчаси шундай, ватанпарварлиги шундай. Бизнинг ёшлар учун ҳам бундай туйғу нақадар муҳим ва зарур. Чунки хорижга бориш деса, у ерларда қолиб пул топиш деса, ҳамма нарсани четга суриб қўядиганлар кўпайиб қолган ҳозирги замонда бу туйғунинг муҳимлиги янада очиқ-ойдин кўринди.

Биз америкаликларга, омонларга, японларга ҳавас қиламиз. Уларда ободлик, тўкин-сочинлик. Диққат қилайлик, бундай ҳолат уларнинг тинимсиз саъй-ҳаракати туфайли барпо бўлган. Осмон-ўпар иморатларни, завод-фабрикаларни биров четдан бориб қуриб берган эмас. Ўз уйинини ўзинг обод қиласан. Биров эмас.

Меҳмет Олтинбошнинг суҳбатдошлари

Меҳмет Олтинбош ҳафтада бир қабристон зиёратига бориш одатини қанда қилмайди. Мозористон хизматчилари уни, машинасини жуда яхши таниб қолишган. Меҳмет Олтинбош келган заҳоти кўлида сув тўла пақир билан бир хизматчи пайдо бўлади. Ишора кутиб туради. Имо қилинса, бас, яқинларининг қабри атрофидаги дарахтларга сув қуя бошлайди.



Меҳмет Олтинбош гўзал бир исломий одатга риоя қилади. Қабристон дарвозасидан кирган заҳоти қабр аҳлига салом беради. "Сиз ҳам аввал биздек эдингиз. Бирингиз подшоҳ, бирингиз вазир, кимдир камбағал, кимдир бой, бировингиз ҳоким, бировингиз ишчи эдингиз. Мана, ҳозир охирги маконингизда қўним топгансиз. Биз ҳам бир куни мана шу ҳолга тушишимиз аниқ. Аллоҳ гўрингизга нурлар ёғдирсин..." Тахминан шу зайлда гапираверади. Ихлос сурасини ўқийди. Такрор ўқийди ва қўшиб қўяди: "Қабр бошига келган пайт Ихлос ўқилса, марҳумлар хурсанд бўлар экан. Бошқа қабрдагилар: "Бизга ҳам яқинроқ келса, биз учун ҳам Ихлосни ўқиса..." деб умид қиларкан.

Меҳмет Олтинбош ҳозирда ўзбекчада чиққан "Мусулмон аёлларга маслаҳатлар", "Ўғлим Аҳмадга ўғитлар", "Беш хислат" каби китоблар муаллифи Меҳмет Камол Пилав ўғлининг куёви бўлади. Айниқса, қайнотасининг қабрини зиёрат қилганда ўзгача бир эҳтиром билан суҳбатга киришади. Суҳбат мутлақо табиий ва дилдан бўлади. "Мана, мусофирлар зиёратга келишибди. Китобларингизни ўқиган кишилар экан..." дея гапида давом қилаверади. Биринчи марта кўрган киши бир оз тааажжубга тушиши мумкин. Аммо сўзловчининг самимияти ажабланишга ўрин қолдирмайди.

Меҳмет Камол Пилав ўғлининг қизлари бор — Шоҳиста опа. Юзи нурли, гапларидан маърифатли аёл экани сезилиб туради. Отаси тўғрисида чин юракдан гапиради. Энтикиб гапиради, қўмсаб гапиради. Отасининг асарларига котиблик қилган йилларини эслайди. Хаёлимга келган фикр шуки, Шоҳиста опа Меҳмет Камолнинг ҳар бир асари ёзилиш жараёнида қатнашиб котиблик қилгани учун отаси

тўғрисида гўзал бир хотира китоби ёзиши мумкин экан. Зотан, бундай китобга эҳтиёж ҳам бор, деб ўйладим.

Бейпазари

Бейпазари минг йиллик тарихга эга. Бу масканга келганлар ўтмишга саёҳат қиладилар. Бундан икки юз йиллар аввал туркларнинг уйлари, яшаш шароити, турли пишириқлари, кийим-кечаклари қандай бўлганини кўзлари билан кўрадилар.

Бу масканда ҳамма нарса табиий, қадимийлигича сақланган. ҳунармандчилик, ошпазлик, тикувчилик ашёлари сақланаётган жой — гўё бепоён бир музей. Тўғриси, очиқ осмон остидаги очиқ музейда юргандек бўласиз. Фақат баъзан замонавий автолар, замонавий ускуналар кўзингизни чалғитади, холос. Бейпазари (ўзбекчада "Бойбозори") номига яраша бир ҳудуд. Сайёҳларнинг севимли зиёратгоҳига айланган бу қўрғонча Анқарадан тахминан юз чақиримча ғарбда жойлашган.

Бейпазарининг энг баланд жойи Хизрлитепадир. Ўтмишда қишлоқ аҳли бу тепаликка чиқиб Аллоҳдан ёмғир сўраб, дуо қилишаркан. Хизрлитепадан Бейпазари худди кафтдагидек кўриниб туради. Бу тепаликда туриб, қўрғонча ҳокими маскан тарихини сўзлайди. Ўзига хосликларини гапиради. Миноралари осмонга бўй чўзган қадимий бир масжидни кўрсатади. Туркиянинг бошқа жойида ўтмишга бундай саёҳат қилиш имконсиз деб таъкидлайди. Фахрланиб гапиради. Зотан, бейпазариликлар ифтихор қилганича бор. Қўлда тўқилган матолар савдоси, ҳунармандлар ясаган асбоб-ускуналар, уй-хўжалик анжомлари, ҳатто қўлда ясалган болалар ўйинчоқлари ҳам топилади Бейпазарида.

Қадимий бир гўзал масжид. Асрга азон айтилган заҳоти жамоат ибодатга киришади.



Аёлларнинг уст кийимларидан мусулмонбод замон белгилари яққол сезилади. Саёҳат қилдирувчи талаба қиз Меҳтоб кўринган қиз-жувонларни, ўрта ёш ёки кампирларни ёпинган кийимларига қараб, ажратиш мумкинлигини йўл-йўлакай сўйлаб боради.

Бейпазари тарихидан сўзловчи икки қаватли музей бор. Музей биноси илгари Нуриддин Қораўғиз исмли кишининг мулки бўлиб, 1998 йилдан бу бино "Бейпазари тарих ва маданият маркази" номини олган.

Бейпазарида бир ошхона бор. Унинг номи Тошмақтаб. Ўн тўққизинчи асрга оид бу икки қаватли бино илгари мактаб бўлган. Талабалар шу даргоҳда Қуръондан сабоқ олишган. Кейинчалик иккинчи қавати намозхона, биринчи қавати ошхона бўлган. Ҳозир эса ҳар икки қавати ҳам сайёҳлар таомланадиган жой. Озода, покиза. Хилма-хил идиш-товоқлар ҳаммаси қўлда ясалган. Бизнинг ошга ўхшаган бир таом ҳам тайёрлашар экан бейпазарликлар...

Хуллас, Туркияга, Анқарага йўлингиз тушса, албатта, Бейпазарига бир боринг, хурсанд бўласиз.

Баҳодир НУРМУҲАММАД

Анқара-Тошкент

Дмитрий ПОЛЯКОВ

Баъзан олимлар илм тоғига узок тирмашиб чиқади. Чўққисига чикқач, қирашса, у ерда аллақачон диний уламолар ўтирган бўлишади.

ҚУЁШНИНГ МАҒРИБДАН ЧИҚИШИ

ЗАМОНАВИЙ ФАН ТАЛҚИНИДА

Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қиёматда қуёш мағрибдан чиқиши ҳақида хабар берганлар. Бундай фавқулодда ҳолат тўғрисида замонавий фан бирор фикр айтишга қодирми?

Н.Косинов раҳбарлигидаги россиялик бир гуруҳ олимларнинг илмий фаразларига қўра, Ер кураси айланишининг, абадий музликлар ҳосил бўлиши ва циклонлар, тўфонлар келиб чиқишининг механизми очиб берилади ҳамда геомагнит майдон кутбларининг ўрин алмашуви (инверсия) жараёнида Ер айланишининг йўналиши ўзгариб кетиши мумкинлиги айтилади. Бу эътирофлар ҳақлигини текшириб кўриш мақсадида олимлар бир қатор тажриба ўтказиб кўришди.


Аввалги тадқиқотлардан маълум, XX аср бошига қадар Ер ўз ўқи атрофида бир маромда айланиб туради, деб ҳисобланиб, ҳатто унинг айланиш муддати вақт бирлиги сифатида қабул қилинган эди. Бироқ кейинги қузатувлар натижасида она сайёрамиз бир маромда айланмаслиги аён бўлди. Унинг айланиш тезлигида йиллик, ярим йиллик, ойлик, ярим ойлик тебранишлар бўлиб, бир кеча-кундуз (сутка) давомийлиги секунднинг мингдан бир бўлаги миқдорида қисқариб ёки узайиб турар экан. Ернинг айланиш суръатидаги бундай ўзгаришлар сабабини ҳали

фан аниқлай олганича йўқ. Айниқса, бу тезлик нималар ҳисобига ошишини тушуниб етиш қийин бўлмоқда.

Электр токи магнит майдонида турган ўтказувчи суюқлик орқали юборилганида магнит майдони гирдобсимон, қуюнсимон ҳаракатга келади. Зоҳиран бу ҳодиса Ер кураси айланишига, унинг қаърида ва юзасида содир бўладиган баъзи ҳодисаларга ўхшаб кетади.

1. Эритилган қалайнинг магнит майдонидаги гирдобсимон ҳаракати.

1 – идиш, 2 – эритилган қалай, 3 – спиралсимон ғалтак, 4 – ҳалқасимон электрод, 5 – марказий электрод, "S" – магнитнинг жанубий қутби, "N" – магнитнинг шимолий қутби.



1a

Ушбу тажрибада эритилган қалай электр ўтказувчи суюқлик сифатида фойдаланилган. Қалай солинган сифим йўналтирилган магнит майдони


нига чизмада (1-расм) кўрсатилган тарзда жойлаштирилади.

Гирдобнинг ўрта қисми марказий электрод атрофида жойлашган. Кўрсаткич чизиқ эритилган металл ҳаракатининг йўналишини ифодалайди. Видеотасвир лавҳасида (1а-расм) тажрибанинг самараси кўриниб турибди. Айланиш суръати марказда энг юксак даражада бўлиб, чекка томон камайиб боради. Электр токи кўпайганида гирдобсимон ҳаракат тезлиги ҳам кучайиб, идиш ўртасида чуқур ўпқонча ҳосил қилади. Магнит майдонининг йўналиши ёки унга қўшимча кучланиш қутби ўзгарганида, гирдобсимон ҳаракат ҳам тескари томон ўзгаради. Олимлар фикрича, табиатда юз бериб турувчи бундай жараён қуюнлар, торнадолар ва циклонларни келтириб чиқаради.

Сууюқликнинг магнит майдонидаги гирдобсимон ҳаракатга ёндош "ҳарорат эффекти" ҳам жуда қизиқарлидир. Унинг моҳияти шундан иборатки, гирдоб, қуюн муҳитида ҳарорат градиенти (муайян масофага силжиш мобайнидаги ўзгаришлар) ҳосил бўлади (2-расм). Тажрибада ушбу электродлардан бирида (2а ва 2б расмлар) қаттиқ металлнинг вужудга келиши намоён бўлади. Тажриба шарт-шароити ўзгартирилганида гирдобсимон ҳаракат ва иссиқлик оқими акс томон ўзгаради.

Ушбу тажрибалар жараёнида кузатилган физик натижалар Ернинг айланиш механизми негизида ётган бўлиши мумкин, деган тахминга олиб келади. Юқорида кўриб ўтганимиз "ҳарорат эффекти" эса сайёрамизнинг қарама-қарши қутбларида абадий музликлар ва паст ҳарорат юзага келишига сабаб бўлиши эҳтимол. Тажрибалар жараёнидаги мазкур магнит майдони ҳам Ердаги магнит майдони сингари йўналишга эга. Электр токи ўтказувчи сууюқликнинг айланиши эса Ер қураси айланишининг йўналишига монанддир.

2. Гирдобсимон ҳаракатга ёндош "ҳарорат эффекти".




2а

2б

3. Магнитланган соққанинг электр токи ўтказувчи сууюқликда айланиши.

1 – идиш, 2 – электр токини ўтказувчи сууюқлик, 3 – металл латпак, 4–5-магнитланган ярим-шарлар, 6 – ўқ, 7 – электрод, 8 – подшипник, 9 – электрод.



Ушбу расмда ифодаланган навбатдаги тажриба сайёрамиз мавжуд бўлиб турган шарт-шароитларга анча яқиндир.

Тузлар аралашмасига тўйинган сув ичига айланувчи ўққа ўрнатилган ва магнитланган соққа туширилган. Бу соққа Ернинг андазаси деб олинади. Тузлар аралашмаси солинган сув эса сайёрамизнинг электр ўтказувчи атмосферасини ифодалайди. Мусбат электрод ўққа, манфий электрод эса сууюқликка уланганида соққанинг 3-расмда кўрсатилган тарзда айланиши кузатилади. Бу ҳолда соққа ўқи атрофида ҳарорат пасаяди. Магнит майдонининг қутблари ўзгарганида соққа тескари йўналишда айлана бошлайди. Бунда соққа ўқи атрофида ҳарорат кўтарилади. Айни бир пайтда шартли экватор худудидаги ҳароратда ҳам ўзгариш рўй беради. Мазкур тажрибада кузатилган бу хусусият геомагнит майдонидаги инверсия Ер қурасининг айланиш йўналишини ўзгартиради, деб хулоса чиқаришга асос бўлди.


Кўриниб турибдики, ушбу тажрибада Ер қураси айланиши яхшигина ифода этилган. Магнитланган соққа ҳам, айланиш ўқи жойлашган худудда ҳароратнинг пасайиши ҳам Ерда кузатиладиган шароитларга ниҳоятда ўхшаш. Тажрибани ўтказувчилар фикрича, бу аниқ-равшан модел сайёрамизнинг айланишини ўрганишда қўл келади.

Энди гап "мусбат" томони билан Ер қутбларига, "манфий" томони билан эса экваторга уланган ўша "батарея" қаерда эканини аниқлашда қолди. Умуман, шундай батарея мавжудмикан? Маълум бўлишича, бундай батарея коинотда ҳақиқатдан бор бўлиб, Ерни айланишга у мажбур қилар экан.

Куёш коинот батареясидан заряд олади, унинг энергияси эса Ерни айлантиради

Ер ва яқин коинотни фазовий тадқиқотлар натижаларига кўра ўрганиб чиқсак, бундай ҳолатнинг гувоҳи бўламиз (4-расм): Ер асосан протонлар ва электронлар оқимидан иборат Куёш

шамолининг тўлкинида ҳаракатланиб туради. 1958 йили Ернинг радиация белбоғи аниқланди. Коинотдаги ниҳоятда катта бу ҳудуд Ерни экватор атрофи бўйлаб қамраб олган. Радиация белбоғида асосий заряд ташувчилар электронлардир. Электронлар зичлиги бошқа заряд ташувчилар зичлигидан икки-уч поғона юқоридир.



4. Ер қутбларида ва экватор яқинида электр зарядлари тақсимооти.

Куёш шамоли Ер атрофидаги майдонга қутблар ҳудудидаги бўшлиқ орқали ёйилади (тўқ қора кўрсаткичларда белгиланган). Қутблар ҳудудида протонлар устунлик қилади. Зарядларни ташувчиларнинг бундай тақсимлануви Ер яқинидаги фазода ниҳоятда катта қувватга эга ток пайдо бўлишига олиб келади. Унинг "мусбат" зарядлари шимолий ва жанубий қутблар ҳудудида, "манфий" зарядлари экватор ҳудудида бўлади. 1-, 2-, 3-расмларда кўрсатилган тажрибаларга тўла ўхшашлик 4-расмда яққол кўзга ташланиб турибди. Тажрибаларда "мусбат" қутб айланиб турган суюқликнинг шартли ўқи ўтадиган нуқтада уланган. Фазовий батареядан келадиган электр токи учун Ер атмосфераси ва қутблардан экваторгача сайёранинг ўзи занжир хизматини ўтайди. Тажриба шароитларида суюқликдаги ток ҳам шу томон оқади. Ер қутбларида паст ҳарорат кузатилганида, тажрибадаги (2-расм) электр токи ўтказувчи суюқликнинг айланиш ўқи ҳудудида ҳам паст ҳарорат кузатилади. Шу ўринда "Нима сабабли Ер марказидан унинг устига йўналган иссиқлик оқими абадий музликни енга олмайди?" деган зиддиятли савол туғилади. Бунинг сабаби 2-расмда кўрсатиб берилган "ҳарорат эффекти" Ерда совуқ ҳудудлар ҳосил бўлишига катта ҳисса кўшишидадир.

Тафсифлаб берилган физик самара туфайли вужудга келадиган қарама-қарши қутблардаги паст ҳарорат ана шу ҳудудлардаги паст куёш радиаци-

яси билан ниқобланади. Бу иккала омил биргаликда ҳаракат қилади. Ўша омиллардан бири бўлган куёш радиациясини олимлар ҳисобга олишган, лекин яна бошқа бир омил ҳам борлигини ҳеч ким ҳаёлига келтирмаган.

Юқорида баён этилган тажрибалар Ернинг айланиш механизмини очиб беради ва унинг айланиш йўналишини белгилайдиган омилларни кўрсатади.

Ер қутбларининг силжиб юриши

Магнит майдони, ажодларимиз тасаввур қилганларидек, аниқ жуғрофий қутбга йўналмаганини илк бор Христофор Колумб Оврупадан Америкага сафари давомида кашф этди. Бу воқеа 1492 йили юз берган. Ўшанда Колумб билан бирга кемаларда уммон оша сузиб бораётган денгизчилар йўлкўрсаткич (компас) мили аниқ шимолни кўрсатмасдан, хиёл оғаётганини сезиб қолишди. Улар бу ҳодисани устурлаб ёрдамида Куёшни кузатишлари натижасида аниқлашди. Ўшанда Колумб навбатчилик дафтарига магнит майдони ҳар доим ҳам аниқ шимолни кўрсатавермаслигини, бунинг ўлчаб кўриш лозим эканини қайд қилиб кўяди. Шундан бошлаб магнит майдони ўлчанадиган бўлиб қолди.

1970 йилга қадар шимолий магнит майдони йилига 10 километрдан ошмаган тезликда ўзгара борди, бироқ кейинги йилларда бу суръат 40 километргача ошди. 2002 йил февралда Ернинг магнит қутбида бирданга 200 километрга силжиш юз берди. Бунинг куруқликдаги қўшинлар Марказий ҳарбий-техника институти (Россия) асбоблари қайд этган.

2005 йили Арктикага илмий сафарини яқунлаган Канада табиат захиралари вазирлигининг геомагнит лабораторияси раҳбари Ларри Нитта айтишича, Ернинг шимолий магнит қутби Канада ҳудудини тарк этган. Айрим олимлар фикрига қараганда, Ернинг магнит қутблари ўрин алмашуви (инверсияси) батамом очиқ-ойдин ва биосфера учун хавфли ҳодисадир. Чунки инверсия юқори нуқтага чиққанида магнит майдони амалда йўқ бўлиб кетади.

Кучли радиоактив фазовий нурлар (юқори энергия заррачалари) Ер устига етиб келиб, энг аввало жонли табиатга таъсир ўтказиши.

Ушбу тажрибалар Қуръони карим ва суннати мутахҳара кашф этган илмга ҳозирги давр фани энди йўл топаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Шариф ХОЛМУРОД

таржумаси
www.islam.ru